

ГУЛНОРАНИНГ ЧИГАЛ ВА ҚОРОНҒУ ХАЁТ ЙЎЛИ



Бугун чат орқали Максим Бейлис билан мулоқот қилдим. Гулнора Каримова хақида гап кетди. Унинг, оммага мўлжалланган таржимаи холининг кўп жойлари бизни ажаблантирди. Қарама қаршилиқ жуда кўп.

«1988 йилда у Тошкент шаҳридаги ўсмирлар математика академиясини битирди» дейди Викиликс. Бироқ, бунақа академиянинг ўзи бўлмаган Тошкентда. Хар холда, биз сўраб суриштирган танишларимиз ва дўстларимиз бунақа ўқув юрти хақида эшитишмаган ва билишмайди ҳам. Бу ўрта мактабми ёки ПТУ (Касб хунар ўқув юрти)ми? Аттестати оддийми ёки бошқачароқ, масалан, Ўрта махсус маълумот хақидаги диплом кабини? Бу хужжат нусхасини унинг блогига кўришни жуда ҳам истар эдик...

1994 йилда Гулнора «Тошкент давлат университетининг фалсафа-иқтисодиёт факултетининг халқаро иқтисодиёт бўлимини, бакалавр даражаси билан» тамомлайди. Лекин у даврда Олий ўқув юртларида бакалавр ва магистратура даражалари йўқ эди!

Бу нарса сал кейинроқ, яъни 1990 йилларнинг охирида пайдо бўлди. Мен ўзим масалан, 1994 йилда ТошДУнинг тарих факултетини битирдим, лекин менинг дипломимда, менинг бакалавр ёки магистр бўлганим хақида ёзув йўқ. Гулноранинг дипломи фотонусхасини кўрсак яхши бўларди...

Тушунмадим, 1992 йилда у декрет таътилида бўлса (у ўғли Ислонни туккан эди) ва яна Fashion Institute of Technology, State University of New York да ўқиётган бўса, қандай қилиб 1994 йилда ТошДУнинг факултетини

битирази? У дам Нью Йоркка ва дам Тошкентга сессиялар ва имтихонлар учун бўзчининг мокисидан қандай қатнади экан? Буларнинг барчасига Гулнора қувват, вақт ва маблағни қаердан олди экан?

Бу ёғини эшитинг: «1996 йилда Гулнора Каримова Ўзбекистон Фанлар академияси қошидаги Иқтисодиёт Институтининг магистратурасини тамомлади» Буниси энди алжирашнинг ўзи! Иқтисодиёт Инститuti бу Олий ўқув юрти эмас, у ерда магистратура йўқ! Бу академик муассаса! У ерда фақат аспирантура ва докторантура бўлиши мумкин холос! Унга магистр дипломини ким берди экан – Фанлар академиясини ёки Олий ўқув юртлари вазирлигимиз?

Диплом нусхасини кўрсак бўладими?

Хўп, у магистратурада ўқиётган бўлса, унда қандай қилиб 1995 йида Ташқи ишлар вазирлиги маслаҳатчиси бўлиб олди? Бу амал, харбийлар нуқтаи назари билан – полковник унвонига тенг! Кечагина бакалавр бўлган одам мана шу мансабга лойиқми? Унгача вазир маслаҳатчиси Гога Хидоятлов эди, лекин у фанлар доктори, профессор эди! 23 ёшли Гулнора министрға нима маслаҳат бериши мумкин?

«2001 йилда Гулнора Каримова Тошкентдаги Жаҳон Иқтисоди ва дипломатияси университетиде Сиёсий фанлар доктори унвонига эришди». Яъни, магистратурадан сўнг атиги 5 йил ўтиб у фан доктори бўлиб ҳам улгурибдида? Бу мумкинми? Нахотки шундай даҳо ўзбекистонликлар билан яшайпти? У қанақа буюк илмий иш ёзди экан?

«2000 йилда Гарвард университетида Санъат магистри унвонини олди»... Лекин бу пайтда у Тошкентда, вазирнинг маслаҳатчиси эдику? Қандай қилиб Гарвард университети дипломини олди экан? Америка сафарларини ҳам вазирлик тўлагандир?

Яна бир ишониш қийин бўлган холат: «2008 йил сентябрида Гулнора Каримова, Женевдаги БМТ ва бошқа халқаро ташкилотларида Ўзбекистоннинг доимий вакили этиб тайинланди ва ўша ерда профессор унвонини олди» Агар у Женевда ишлаган бўлса, бир вақтнинг ўзиде қандай

илиб Тошкентдаги университетда ҳам ишлади? Ахир профессор унвонини олиш осон эмас – бу ишнинг бир дунё талаблари бор ва 5 йиллик педагогик стаж ҳам керак. Бунинг устига, у аввал доцент ҳам бўлиши керак!

«2004 йилдан бошлаб Гулнора Каримованинг жамғармаси болалар ижодиёти Янги Авлод республика фестивалининг лойихасини ҳам амалга ошираяпти» Бу ерда ҳам гап тўғри келмаяпти- ахир Гулнора «2003 йилнинг сентябридан, токи 2005 йилнинг апрелига қадар Ўзбекистоннинг Россиядаги элчилигиде маслаҳатчи бўлиб ишлаган» эмасмиди? Қачон улгирди экан? Ҳам дипломат ҳам лойихалар бўйича ишлаш оғир келмадимикан унга?

Қисқаси, унинг хаёти тарихи чалқаш ҳамда зулмат билан қопланган. Хаёти воқеаларга бойга ўхшасада, аслида бўм бўш! Бунақа чўпчак билан Гулнора ҳеч қачон разведкага бора олмайди – чунки уни дархол фош қилишади!

Алишер Таксанов.

КАРИМОВ ИНФАРКТ БЎЛДИ

Тошкентдаги махсус мухбири-мизнинг билдиришича, 2013 йил 19 март кечкурун (илк хабаримиздаги 21 мартни тузатаёпмиз), Ўзбекистон Президенти Каримов Ислон Абдуғаниевич инфарктга йўлиққан.

Аниқроғи, кенг инфарктга. Кенг инфаркт юрак фаолиятининг тўхташига, яъни ўлимга олиб келиши мумкин. Кенг инфаркт деб миокард инфарктига айтилади. Одатда у кўкрак қафасининг марказий қисмидаги оғриқлардан бошланади, оғриқлар бир неча дақиқа давом этиб, сурункали такрорланиб туради. Бу ҳолатда бемор сиқилиш, қисилиш ёки юракнинг вужудга сиғмаслигига ўхшаш оғриқларни сезади.

Оғриқлар қўлларда, чап елкада, тирсақларда, жағ ва белда кўпроқ бўлади.

Бу дардга чалинган кўп хасталар ҳатто касалхонага ҳам етолмай, жон беради. Яъни Ўзбекистон диктаторининг ҳоли ҳароб демакдир.

УХХ хабар маркази

ДИКТАТУРАНИНГ ШОДАЛАРИНИ ЭМАС, ИЛДИЗИНИ КУРИТИШГА БЕЛ БОГЛАЙЛИК!



Ассалому алайкум, Намозбек!

Хоразмлик Исоқ Абдуллаев деган тадбиркор бор эди. Каримов режимига қарши курашганларнинг бири эди. Қамаб юборишди. Ҳозир қайси қамокхонада эканлигини одамлар айтиб ҳам бераолмаяпти.

2003 йили Исоқ ота Каримовга бир мурожаат ёзган эди ва мен уни таркатган эдим. Шу кеча-ю кундузда архивдан чиқиб қолди. Шу мурожаатни сайтга қўйиш керакми, дейман. Фикрлашиб қўрарсиз.

**Толиб Ёқубов .
Исоқ Абдуллаев**

Диктатуранинг шодаларини эмас, ил-дизини куриштишга бел боғлайлик!

Ўзбекистон халқига ва жаҳон ҳамжамиятига

Нухалари:

Ўзбекистон президенти Ислоҳ Каримовга, Миллий Хавфсизлик Хизмати (МХХ) раиси Рустам Иноятовга, Ички ишлар вазири Зокир Алматовга, Бош прокурори Абдурашид Кодировга,

Омбудсмани Сайёра Рашидовага, Инсон ҳуқуқлари маркази раҳбари Акмал Саидовга

МУРОЖААТ

**Хурматли юртдошлар, хонимлар
ва жаноблар!**

Сизга мурожаат қилишимга охириги 10 кун ичида «Озодлик» радиоси ва бир катор Интернет саҳифаларида эълон қилинган баъзи хабарлар сабаб булди. Уларга кура, АКШ давлат қотибининг ёрдамчиси Элизабет Жонс ва сенатор Шелли Беркли Ўзбекистон президентининг кизи Гулнора Каримовани узбек аёлларини фоҳишалик учун Бирлашган Араб Амирикларига оммавий тарзда жунатиш билан шугулланганликда айблашган. Интернетдаги бошқа бир хабарга кура эса, шу йил 26 октябр куни Тошкент аэропортида Тошкент-Москва авиайоналишидаги самолётга Гулнора Каримова чиққан, шундан сунг Ўзбекистон Миллий Хавфсизлик Хизмати (МХХ) ходимлари президентнинг кизи салонда якка узи кетиши учун йўловчиларни самолётдан ҳайдаб чиқаришган.

Ушбу хабарлар мени қарахт қилиб қуйди, чунки юрт отасининг кизи шундай ишлар билан шугулланишига, тугриси, ишониб қийин. Хар сафар телевизорда чиққанида халқка қарага: «Сизлар ҳамангиз менинг фарзандларимсиз! Кани имкони булса, ҳаммангизни бағримга боссам!», — дейдиган ва соатлаб халқка насихат уқийдиган президент, нахотки, уз кизларига тарбия бераман булса? Президентни хурмат қиладиган хар бир фуқарода шу савол тугилиши табиий.

Шу билан биргаликда, ички ишлар ва прокуратура идораларининг ноҳаксизлиги ва порахурлиги ҳақида сон-саноксиз мартаба республика президентига мурожаат қилиб, ундан ҳеч қандай жавоб ва ёрдам олманган кишилар бундай хабарларга шубҳаланишмайди. Чунки бу тоифа кишилар:

«Президент мамлакатдаги зулм ва узбошимчалikka панжа ортидан қарар экан, демак, бу иллатларнинг бошида узи турибди», — деган хулосага келади. Нахотки, Гулнора Каримованинг собик хисобчиси Фарход Иноғомбоевнинг «Озодлик» радиосига айтган гаплари рост булса? Нахотки, юрт отаси уз кизининг бундай қидмишларига ҳеч нарса демаса?

Агар Ўзбекистон президенти ҳақиқатдан ҳам кизининг шундай ноқонуний ишлар билан шугулланишига қаршилик қилмаётган булса, бундай президентнинг мамлакатга ва халққа раҳбарлик қилишига ҳақки борми? Агар Гулнора Каримова ҳақиқатдан ҳам узбек аёлларини чет давлатларга фоҳишалikka жунатаётган булса, бундай аёллар даволаб булмайдиган турли касалликларга қалиниши ва шу касалликларни юртимизда тарқатиши аниқ-ку! Миллатни фоҳишабозлик каби иллат ва даволаб булмайдиган касалликларга мубтало қилишдан мақсад нима? 25 миллион халқнинг 23 миллионини улдириб, қолган икки миллионини кул сифатида ишлатишми? Ёки 25 миллионнинг ҳаммасини қириб ташлашми? Нима мақсад?

1999 йил 16 феврал портлашларидан кейин Ўзбекистон президенти телевизорда қикиб: «Фарзандларининг қилган жиноятлари учун оталар ҳам жавоб бериши керак!», — деганди. Агар Гулнора Каримованинг одам контрабандаси билан шугуллангани рост булса, бу учун унинг отаси ҳам жавоб бериши керак. Президентнинг талаби шу!

Маълумки, мен ички ишлар ва прокуратура идораларининг ноқонуний хатти ҳаракатлари, адолатсизлиги ва тамаргирлиги ҳақида Ўзбекистон президентига юзлаб марта мурожаат қилганман. Ёзган хат ва телеграммаларимга ундан биронта жавоб олманганман. Аминман-ки, менга ухшаганлар сони бехисобдир.

Ажабланарлиси шунда-ки, шу йил август ойининг охирида булиб утган парламент сессиясида Ўзбекистон президенти халқка қарата: «Фуқаролар менга хар хил хатлар билан мурожаат қилавермасин. Уларнинг муаммолари билан шугулланишига менинг вақтим йук. Менинг асосий ишим – тинчликни сақлаш. Мамлакатда тинчликни сақлаб турганимнинг узига раҳмат денглар», — деди. Унинг бундай дейиши республика қонунларини очикдан очик бузиш эмасми? Ахир, Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг мурожаатлари ҳақида»ги қонунига кура, фуқаро истаган давлат идорасига, давлат амалдорига, шу жумладан, мамлакат президентига ҳам мурожаат қилиш ҳуқуқига эга-ку!

Шундан сал олдин, ёзда, юрт отаси телевизорда қикиб, огир хаётдан қийналганларга қарата: «Энди ҳамма уз аравасини узи тортсин!», — деганди. Мен суюнганимдан, «Худо отамизга инсоф берган, шекилли, энди отамиз президентлик аравасини отларга топширса керак!», — деб уйлабман.

Лекин, қуриб турганингиздек, ундай булмади. Хуллас калом, президентнинг мана шу гапларини эшитгач, «Узи мен кимдан нажот сураяман, кимга мурожаат қилияман?!», — деб, афсусландим. Унинг кизи Гулнора Каримова ҳақидаги юқоридаги хабарларни эшитиб эса, нолаларим бефойда кетганлигига яна бир бор амин булдим. Афсусларим бекор эмаслиги тез орада тасдиқлана бошлади, чунки президентга очик хат ёзганимдан кейин менинг олдинги муаммоларим қигаллашиб, Хоразмдаги ички ишлар ва прокуратура идоралари менга нисбатан очикча талончилик ва қарокчиликка утишди. Бу ҳақда саноксиз гувоҳ ва далилларим бор.

**Хурматли юртдошлар, хонимлар
ва жаноблар!**

Президентнинг узи «Фуқаролар менга мурожаат қилмасин», «Хар ким уз аравасини узи тортсин» — деб турса, унга мурожаат қилишдан нима фойда? Нахотки, шунча гап ва хабардан сунг ҳам президентга мурожаат қиладиган, ундан нажот сурайдиган фуқаро топса? Ўзбекистондаги ноҳакликларни очик танқид қилган Буюк Британия элчиси Крейг Мюррейни писанд қилманган, уни республикадан чиқариб юборишга уринган ҳуқуқат адолатсизликларни очик айтаётган оддий фуқароларни писанд қилдим, уларга ёрдам берадим? Бизнинг диктатура, имкон топса, узимиздаги жан-дармерия шаклидаги фашистлар диктатурасини бошқа давлатларда урнатишдан ҳам қайтмайди!

Бундан бир-икки йил олдин давлат амалдорлари Раҳимажон исмли хивалик фермернинг ерини бешафкатларча тортиб олганда, бечора аёл алампдан тут дарраҳтининг устига қикиб: «Давлат еринини олди, Ёрим, энди осмонингга маҳкам бул, Худойим!», — деб, қарс уриб, дод солган эди. Шундай деб дод солганлиги учун бечора Раҳима фермер бир-икки кун милиция бўлимида ҳам утириб чиққанди. Хуллас калом, қуйиб берилса, бизнинг диктаторлар Худонинг осмонига ҳам эгалик қилиб, у ерда ҳам диктатура урнатишади.

**Хурматли юртдошлар, хонимлар
ва жаноблар!**

Ўзбекистондаги диктатуранинг илди-зи қуриб қолди. Шундай экан, диктатуранинг шодаларини қопиш каби бефойда иш билан шугулланавермасдан, унинг илдини куриштишга бел боғлайлик! Жаҳон демократик ҳамжамиятидан бу ишда бизга ёрдам бериши илтимос қиламан!

Сизга чексиз хурмат билан,

Исоқ Абдуллаев, тадбиркор

КҮНМАСЛИК САОДАТИ, ҲИЖРАТ ВА ШЕЪРИЯТ ҲАҚИДА

Муҳаммад Солиҳ ҳақида ёзиш осон эмас
бунга эҳтимол бир неча “калит” “сўзлар сабабдир
Шоир ўз ижоди билан “қулфлоқ” бўлган мавзуларни очгани учунми
камина ҳам “эрк”инрок, озодрок бўлишни “орзу” қилдим

Нима керак сенга?

Нима излайсан?

Кўнсанг бўлмайдимми шу ҳаётга?

Дўстларим кўрсатган ўша ҳаётга

Атир ҳиди анқиб турган ҳаётга

Узоқ тикиламан

Яна тикиламан...

Кўнмайман

ким бор эди етмишинчи йилларда адабиётда
кўпчилик бугун ҳам бор эмасми ва таъна маломатлар эмас аммо шўроларнинг
сунъий боғида бахтиёр шоирлар ленинун коммунизмга дoston куйлашарди
иссиқхона гуллари каби чиройли эди олам
аммо иссиқхона эдида барибир кейин бу кўнмаслик баломиди саодагмиди
аммо иссиқхонадан ташқарида Муҳаммад Солиҳ бор
эди ва бугун қарангки бу даъво эмас бу бор гапдир
кимдир бугун ҳам кўнмасликка ўнлаб сабаблар борлигини айтади хаку ноҳақлар беваю бечоралар бой ва камбағаллар билан тобора кенгайиб бораётган зиндонлар
ётдан эмас ёвдан эмас кўни кўшни қардош ўлкалар сарҳадларига экилаётган
ўлим уруғлари
ўзимизга ўзимиз қазийётган чоҳлар яна ҳеч ким мен жавоб бераман буларга демайди

Деса эди

*Мана шу кетаётган одамларга қараб,
Мана шу кетаётган одамларга мен,
Мен жавоб бераман деса эди кимдир.
Мана шу кетаётган, тинмай кетаётган
Одамларга қараб, шуларга мен жавоб бераман,
Мен жавоб бераман, деса эди кимдир.
Майли бақирмасин,
Майли, ҳайқирмасин,
Майли, жар солмасин дунёга,
Майли, пичирласин,
Лоақал пичирласа эди,
Мен жавоб бераман шуларга, дея*

1986

шўролар замониди
динни кўйинг миллатни кўйинг



Хайрулло Файз

ўзини қул қилганлар озмиди дейсиз
яна бу таъна эмас маломат эмас ва даъво эмас
шеър нима эди Муҳаммад Солиҳга

М.Солиҳ: *Шеърят мен учун қисқа қилиб айтганда, яшаи тарзи, яшаи шакли эди. Нафас олиш шакли, дунёга қараиш шакли эди. Шеърят ҳамма нарса эди...*

қани ватан ҳақида ленин ҳақида ёзган шеърларингиз
бунча тушкун ёзганларингиз дея ёзғиришгани табиий ўша пайтлар ўша пайтлар ўнлаб адабий журналлару газетлар нашр этиларди
минглаб китоблар расталарни тўлдириб турарди
муҳаррирлар бор эди хушёрлантирилиб туриладиган
шўролар деярли йиқилаётганида ҳам уйғонишни истаганлар кам эди адабий газетларда ҳамон режа бўйича кексаю ёш шоирларнинг қасидалари чизилар ва ҳеч ким орадан атиги уч тўрт йил ўтибленин коммунизм шўролар русия сср деган сўзлар учун бошида калтак синишини
хаёлига ҳам келтирмас эди ва эҳтимолки ҳатто бу сўзларни етмишинчи йиллардан бери ижодига ўзига сиғдирмаган Муҳаммад Солиҳ ҳам

М.Солиҳ: *Энг ёшлик пайтимдаёқ, тўғрироқ айтсам ҳарбий хизматда бўлган кунларимдаёқ менда бу режимга нисбатан аллергия пайдо бўлди ва бу ўша бутун Совет даврида менинг ҳаётим бўйи давом этди. Ундан олдин ҳам мактабда ўқиб юрганамизда ҳам менда бу тузумга нисбатан ҳеч бир муҳаббат бўлмаганди. Балки оиламизнинг ижтимоий келиб чиқиши ва бизга муносабатлар бунга сабаб бўлгандир. Бизнинг боболаримизни шўролар ҳокимияти йиғирманчи йилларда қатл қилган. Ижтимоий келиб чиқишимиз сабабли ҳам биз доим ўгай бир оила сифатида ташқарида қолдик. Бу университетдаги талабалик йилларимда ҳам давом этди. Доим бегоналик ҳисси билан яшадим.*

тасаввур қилинг, фақат Ўзбекистон эмас
дунёни ларзага солиб турган тоталитар тузумда бу каби бегоналик ҳисси билан яшаш ва бу тузумни мадҳ этмаслик осонми, қийин эди жуда дейди шоир
аммо бунин биз тўғри инсонларнинг такдири деб билардик, бундан гурурланардик дейди Муҳаммад Солиҳ

Шу сўз учун

*Шу сўз учун
Юз йил илгари
Унинг кўзларини ўйишар эди,
Шу сўз учун юз йил олдин
Кесардилар унинг тилини,
Шу сўз учун ўн аср аввал боши кетган
бўларди унинг...
Сарсон юрар эди асрлар аро
Ўтмиш йўларида сочилиб ётган
Ўйилган кўзию йўқотган бошин
Ва кесик тилини излаб юрарди
Бугун айтиши учун ўша сўзини.
1981*

ўтган асрнинг иккинчи ярми ўзбек адабиётида икки шеърят бор эди бири Муҳаммад Солиҳ шеърятти иккинчиси ўзбек шеърятти
Х.Исмоил: *Ўзбек шеъряттида биргина “юрак” деган сўзни олинг. Чўлпондан бошласак, “кўнгиел сен бунчалар нега кишанлар бирла дўстлашдинг” дейди ва юракни “қул” айлантиради. Усмон Носир юракка “соз” деб ном беради. “Юрак сенсан менинг созим...” Олтишинчи йилларга келиб Эркин Воҳидов “юрак”ни уммонга менгзайди... Саксонинчи йилларда эса Муҳаммад Солиҳ “юрак”ни юрак сифатида тасвирлайди. У сўзга сўзлигини қайтариб берган шоирдир.*

Уларга айт, севгилим

*Сен ва мен биламиз
Муҳаббатнинг
Тимсоли мажнунтол эмаслигини.
Сариқ гул – айрилик,
Қизил гул, учрашув дегани эмас.
Айт уларга,
Тушунтир севгилим,
Биз қандай севгандик бир-биримизни,
Қандай севган эдик,
Гуллари узилган оламда!*

Ўзбекистонлик адабиётшунос: (исми-шарифини бугун зикр этмоқнинг маълум сабабларга кўра имкони йўқ) Шоирнинг истиқлолдан олдинги йилларда ёзилган шеърларида “орзу” калимаси ниҳоятда кўп учрайди:

(Давоми кейинги саҳифада)

КҮНМАСЛИК САОДАТИ, ҲИЖРАТ ВА ШЕЪРИЯТ ҲАҚИДА

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)
“Агар орзулардан чарчасанг...”, Кўлни теккизмодлик сенга — бу орзу... (1975), “Асрларни тешар Қорачик / Ёнган орзуларнинг метин кўмири...” (1975), “Тўрт девор ичида ўтириб / Қанот орзу этмоқ ундан ҳам ёмон...”, Апелсинни орзу қил, ҳеч қаерда йўқ апелсинни...” (1982) ва ҳоказо.

Бу ҳолат бир қанча шеърлари сарлавҳасига ҳам кўчган: “Агар орзулардан чарчасанг”, “Ёнган орзулар”, “Орзу қил”, “Орзу фуқароси” ва ҳоказо. Ҳатто “Орзу” деб аталган иккита шеъри ҳам бор.

Дастлаб шахсий кечинмалар ифодаси ўларак пайдо бўлган сатрлардаги ОРЗУ вақт ўтиши билан ижтимоийлаша бошлайди, тинимсиз катталашади ва бора-бора исёнга айланади. 80-йилларнинг ўрталарига келиб, маълум бир маънода сиёсий норозилик тусига ҳам киради:

*Мен бу ерлик эмасман асли,
Мен орзунинг фуқаросиман.*

ОРЗУ уни рўёбга чиқаришга йўл бераётган тузумга қарши “Адашганлар қўшиғи” сингари айбловга, миллатнинг чорасизлигидан ачинишга дўнади:

*Қарғалган миллати ҳўкиздай ишлаб,
Раҳматнинг ўрнига эшиттар миннат,
Бор-йўғини дунёнинг пойига ташлаб,
«Ўғри» деб ном олар қарғалган миллат.*

Муҳаммад Солиҳ миллатнинг дардини теран англайдиган шоир сифатида фақат айблов билан чекланиб қола олмас эди. Унинг шеърларида улғайиб келаётган миллат озодлиги ОРЗУси тобора қатъийлаша бориб, муайян ғоя — сиёсий кураш куралига ҳам айланади. Эҳтимол, бу ҳол унинг кейинчалик сиёсат билан шуғулланиб кетишига сабаб бўлгандир. Лекин ОРЗУ тадрижи бу билан тўхтаб қолмади. Унинг муҳожирликда ёзилган шеърларига ҳам кўчди ва энди ўзгача мазмун касб эта бошлади:

*Орзу этмакдаман: ҳисоб кунда
Раббим кўрар экан менинг ишимни,
менга «қўлим Солиҳ» дейиш ўрнига
«солиҳ қўлим» дея сасланишини...*

бу орзулар шоирнинг дилидан тилидан миллионлар юрагига кўчганида борми

Ўзбекистонлик шоир, ўтган асрнинг саксонинчи йиллар охирилари ва тўқсонинчи йиллар бошида талаба:

Бизнинг авлод ҳали Шўроларнинг илиқ кучоғидан чиқиб улгурмаган эди. Аммо бизга нимадир етишмас эди, қанақадир ишончсизлик бўшлиғи юзага кела бошлаганди... Уша бўшаб бораётган дунёмизни Муҳаммад Солиҳнинг шеърлари ва шоир ҳақидаги у ёқ-бу ёқдан эшитган гапларимиз тўлдирди бошлади. Биз бирданига, таъбир жоиз бўлса «анойи»лардан эмаслигимизни англаб қолдик. Ёппасига тарихдаги улуғларимиз ҳақида ўргана бошладик, Шўроларга қарши авваллари мисли кўрилмаган нафрат шакллана бошлади ичимизда... Муҳаммад Солиҳнинг шеърларини ўқийдиган ва баҳс эта оладиган талабаларга бошқалар қандайдир яширин ҳурмат, озгина шубҳаланиш билан қарар эди... “Қарагин-а, қанақа ақлли, шу шоирнинг шеърларини ўқир экан...”

Биздаги бу уйғониш Солиҳнинг фақат сиёсийлашган шеърлари эмас, балки бизга авваллари нотаниш бўлган шахс сиймоси билан уйғун кеча бошлади. Масалан, шундай бир шеъри бор адашмасам — “Бошимдаги оқ қордир, болам. Осмондан эмас, ердан ёкқан қор...” ва ёки “Шоирнинг севгилисига ёзган очиқ хати “ёдингиздами?”

*Мунисим, пахтадан бошингни кўтар,
кун ботди, келди бош кўтармоққа пайт!
Чўлни қувавериб, ўзинг ҳам дилбар,
чўлга қувгин бўлдинг, етар, уйга қайт!..*

Бунақаси бўлмаганда ўзбек шеърлятида... Аммо биласизми, шу исённи, шу фикрлаш ва адабиётни, шу зехниятини Муҳаммад Солиҳ кенг олмага ёймади. У учун Шўролар тимсолида бир душман образи яралган ва Солиҳ назаримда бутун эътиборини шунга қаратганди. Тасаввур қилинг, агар бу “қарашлар” халққа юққанида, эҳтимол Ўзбекистон бугун бошқача бўларди, биз бу даражада маҳдуд бўлмасмидик? Чунки Муҳаммад Солиҳларга ўхшаган шоирлар сўзига илҳақлик бор эди. Эҳтиёж бор эди. Шоир ўз сўзини халққа ёйиши керак эди.

халққа бу орзуларни ёймоқликнинг имкони бормиди

М Солиҳ: *Менимча, йўқ эди. Шоир одам халқ учун (халқ дедик, зотан халқ буюк тушунча) тушунарли бўлади, халққа ёқади ва ё халқни инқилобга кўтариш учун ҳам ўзининг усталик санъатидан воз кечолмайди. Албатта халқ озодлиги йўлида шеърнинг жуда катта ўрни бор. Аммо шоирнинг “менлиги” халқ “менлиги”*

билан дуч келганида, афсуски, унга бўйсунгиси келмайди. Эҳтимол, шоирнинг ва шеърни ҳам кучи шундадир...

Афу эт мени

Тақлид қилолмадим, кечир, Ватаним-Тош каби бардошли бўлолмадим ҳеч. Сапчиб турган эсам, айбситма мени, Афу эт, ахир, мен ўлолмадим ҳеч.

Кечир, сапчиб турдим оғир уятдан — Тарихидан жудо бўлган халқ каби Келажаги қаро инсониятдай — Энг сўнги лаҳзада турдим мен қалқиб!

Турдим, сапчиб турдим, ўзимга келдим, Шаккок фарзандингни афу эт, ватан — Гўзал кафанларни эгнимдан юлдим, Тушдим, сакраб тушдим тилла тобутдан!..

шоирнинг ватанда қолган дўстларидан бири эртага бизга ва ёзганларимизга нима бўлишини билмайман эртага бизни эслашадими йўқми бу ҳам номаълум аммо Муҳаммад Солиҳ ёзганларининг тақдири қундай равшан дейди бугунча эса

На гўзал

Бир ёнда ожизу, бир ёнда кучли, кураш боиланаркан тарафма-тараф ожизнинг ёнини олганинг учун «хоин» деб ном олмоқ нақадар шараф!

На шараф, халқини қул этган подшоҳ «менинг душманам» деб сени атаса, жазавога тушса исминг эшитган чоғ китобингни ўқиб, йиртса, топтаса!

На шараф-ки зулмга «зулм!» деёлсанг, бошингда ҳар кун синса-да тўқмоқ, шайтондан қўрқмаслик нақадар гўзал, на гўзал ягона Оллоҳдан қўрқмоқ!

яна бугунча ҳижрат

Одамлар каби мен дунёни кезиб ёза олмадим-ку шеърини туркумлар, чунки ота юртдан чиққаним сезиб, тарк этарлар мени ҳижро, рукнлар.

Чунки келиши-чун кўзларимга ёш пайдо бўлиши-чун илҳом юракда, менга жуда зарур аччиқ бир кўёш, кескин континентал иқлим керакдир.

Шундай экан, денгиз қирғоқларидан, яшил ўрмонлардан менга сўз очма, мен ёлғиз Туркистон тупроқларида ўса оладиган гариб оғочман...

“ДИКТАТУРА”ГА ҚАРШИ КУРАШМОҚ КЕРАК!

Мен мавзуга ўтишдан олдин, Сиз азиз биродарларимизга Амир Темурнинг бир сўзидан ихтибос келтириб ўтмоқчиман: “Агар дуо билан ишлар амалга оширилганда эди, “БАДР” жанги бўлмас эди...”

Дарҳақиқат, Аллоҳ ҳар бир инсонни яратаётган вақтда унга тафаккур, онг, ақл берди. Шундай экан, ўша инсон аввало, ўз ақлини ишга солмоғи лозим. “Догма” бўлиб қолган фикрни ҳаракатга олиб келиши зарур. Бунинг исботи сифатида Аллоҳ “Сендан ҳаракат, Мендан баракат” деган. Бу дунё ҳаракатдан иборатдир.

Ҳаётда ҳаракатсиз нарсанинг ўзи йўқ. Оддий Физика фанига эътибор беринг. Бу фанда шундай қонун ва “формула” бор: “Агар тинч турган жисмга, ҳаракатланувчи жисм келиб урилганда, ўшанда ўша жисм ҳаракатга келеди” дейилган. Фан ўзининг ҳаётий тажрибасидан келиб чиққан ҳолда исботлаган.

Журналист Тўлқин Қораевнинг “Нима қилмоқ керак?” ва Баҳодир Мусаевнинг, “Қонунсизлик — ҳаётимизнинг қонунидир...” номли мақолаларини ўқиб, менда “диктатура”га қарши курашиш учун, яна-да фаолроқ бўлиш керак, деган фикр пайдо бўлди. Чунки, биз эркин ва демократик принциплар асосида ҳуқуқий давлат қурмоғимиз даркор экан, ҳеч кимса четдан келиб, бизнинг эркимизни ва ҳурриятимизни қайтариб бермайди. Бу йўлда фақат ва фақат ўзимиз “диктатура”га қарши курашмоғимиз лозим. Ушандагина олдимизда турган мақсадга эриша оламиз...

Дарҳақиқат, “нима қилмоқ керак?” деган савол кишини қийнайди. Мен шу ўринда бир “воқеа” хусусида гапириб бермоқни Сиз муштарийларимизга лозим деб топдим. Мен беш маҳал намозни Аллоҳ Таолонинг уйи бўлмиш масжидда адо этардим. Кунлардан бир кун, Қуръони Каримни ўқиб ўтиргандим. Бир ёши улуғ отахон менинг ёнимга келиб, “Уғлим, сиз бу китобни ўқишни тўхтатинг!” деди. “Нега?” дедим.

У киши “Сиз бу ҳатти-ҳаракатларингиз билан ён-атрофдаги мусулмон биродарларимизга ўзгача таассурот қолдирмоқдасиз.

Ундан кўра, сиз мана бу китоблар яъни, Ўзбекистоннинг уламолари томонидан босиб чиқарилаётган, газета ва журналларидаги мақолаларини ўқисангиз, мақсадга мувофиқ бўларди деб ўйлайман”, деб қолди.

Шунда мен “Сиз ўша китобни ўзингиз ўқийверинг. Мен ўзим ҳоҳлаган китобни ўқийман. Уша Сиз айтган ўша “уламолар”ингиз томонидан ёзилаётган китоблар, газета ва журналлар Аллоҳнинг каломидан ҳам, кучлими?!”, деб савол берсам, “Бу саволингизга жавоб беришга ожизлик қиламан”, деб жавоб бердилар.

Шундай экан, Сизга нима сабаб бўлдики, Сиз Ўзбекистон диний уламоларнинг китобларини “реклама” қилмоқдасиз?

Мен ўшанда Аллоҳнинг уйида ўтириб намоз ва китоб ўқисам-да, барибир мен эркин инсон эмас эканлигимни ҳис этдим.

Шундан кейин, масжидга боришни тўхтатдим. Фақат жума кунидан бошқа кунлар масжидга бормасликка аҳд қилдим.

Бундан шундай хулоса қилиш мумкин: инсон ўз эрки ва ҳурлигига эришиш учун курашмас экан, ЭРК ва Бирлик ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. Инсон аввалом бор шу муқаддас кунларга эришмас экан, инсоннинг намоз ўқиши ҳам, китоб ўқиши ҳам, мавҳум ҳолатда қолаверади. Тўғри, Аллоҳнинг уйида намоз ўқимоқ, яъни, “якка ҳолатда ўқилган намоздан кўра, жамоат билан ўқилган намоз 27 баробар савоби кўпроқ” дегандилар пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) Мен У кишининг ҳадисларида келтирилган: “Умматимнинг ҳар бири ўзининг ҳаётлик даврида диний илм билан бирга, дунёвий илим олишларини тарафдориман” деган сўзлари биз биродарларимизнинг қалбидан ўрин олишини хоҳлардим.

Аллоҳ Ўзининг каломида ҳам, “ИҚРА” сура ва оятлари асосида инсонни билим ва илм олишга чорлайди. Шундай экан биз ҳаётни Муҳаммад (с.а.в.) дан ўрганмоғимиз лозим. Чунки, у киши Исломи динини инсонлар орасида татбиқ қилиш учун, қанчадан-қанча қийинчиликка дуч келганлар. У кишининг бир ўзига, ичкаридан мушриклар, яҳудийлар, насронийлар, ташқаридан эса, ма-



жусийлар таъқиб ва тайзиқларга олишган. Шунга ҳам қарамасдан, Пайғамбаримиз барибир ўзларининг улуғ мақсадлари сари инсонларни зулматдан ёруғ кунларга олиб чиқдилар. Ҳозирги кунга келиб, ер юзида мусулмонларимизнинг сони қарийб 2 миллиардга етди. Алҳамдулиллоҳ, Аллоҳга ҳамду санолар бўлсин!

Бизга Исломи дини орқали разолат ва қабоҳатдан эзгулик ва саодатга эриштиришда хизмат қилган, бизларни поклик, иймон сари етаклаган, пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.)га Аллоҳнинг ажри — мукофоти ёғилсин. Омин!

Мен яна ўша юқорида айтилган саволга бир неча марта мурожаат қилмоқчиман. “Нима қилмоқ керак?” Биз аввалом бор ўз эркимиз учун курашмоғимиз лозим. Бунинг учун, Конституция қонунларига амал қилган ҳолда, фуқароларимизга ҳуқуқий билимлар бермоғимиз даркор. Уларнинг онгини ва савиясини ўстирмоғимиз учун, ҳар кун интернет орқали бериб борилаётган хабарлар юзасидан фуқароларимизга маълум қилмоғимиз лозим.

Улар муҳолифат томонидан қилинаётган ишларидан хабардор этмоғимиз даркор. Бугун глобаллашув даврида ҳаётимизни интернетсиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Шундай экан, шу шароитда интернетнинг кучини омма орасида тарғибот қилмоқ зарур. Муҳолифат қошида телевидение ва радио ишларини ривожлантирмоқ шарт.

Биз ўз фикримиз ва амалга оширмоғимиз керак бўлган режаларимиз ҳақида, ҳалқимизга интернет ва бошқа йўллар орқали тарғибот ва ташвиқот қилмоғимиз даркор. Ҳозирги кунда И.Каримов, “Ўзбекистонда ҳеч қандай муҳолифат йўқ” деган “идея”ни олдинга суриб келмоқда.

Ваҳоланки, Ўзбекистон ичида ва ташқарисида муҳолифат кучлар бор. Мен аминманки, бир кун эмас, бир кун албатта, ўша КУН келажак...

Фахриддин Тиллаев

БАҲОДИР Ф. МУСАЕВ: «ҚОНУНСИЗЛИК – ҲАЁТИМИЗНИНГ ҚОНУНИДИР...»

“Бир инсоннинг (диктатор Каримовнинг–Н.Н) Конституцияга зид равишда мутлақ ҳокимиятни эгаллаши каби бугун қонунсизлик – ҳаётимизнинг қонунидир ёхуд яна бир бор Ислом Ўзбекистони ва Ислом дини ҳақида»

Ислом Исломдир, шу бирга Ислом (Ислом Каримов) Ўзбекистони ҳам бордир....

Булардан биринчиси, дунё микёсидаги бир диннинг исмидир. Иккинчиси эса, маълум шахс тарафидан йигирма йилдан кўпроқ вақт давомида минтақамизда ва ундан ташқарида Ислом динини турлича тушуниш омилдан ўз манфаатлари йўлида устача фойдаланиб келаётган сиёсий режимнинг исмидир...

Мен бу ҳақда У.Ҳакназаровнинг “Тошкент ва Вашингтон 2013 йилни ўзбекистонликлар учун жазирама йили қилишни режалаштираётганлари ҳақидаги мақоласини ўқигандан кейин мулоҳаза қилдим.

Бундай мудҳиш режалар бўлиши мумкинми? Мумкин ёки мумкин эмасми? Масалан, мамлакатимизда ижтимоий портлашларни тасаввур қилиши мумкинми? Бугунги хабар таракатиш урушида турли миш мишлар, уйдирмалар, ривоятлар, ошқора ёлғон хабарлар соясида ўзбек жамиятининг ахволи ҳақида бош қотиришга ҳожат йўқдир.

Бугун инсонлар фақатгина кундалик ташвишлар билан яшаётган ва ноаниқлик ўртада бўлган пайтда...

Бундай шароитда эртага нима бўлишини ҳеч ким билмайди. Тўғриси айтсак, бундай ҳассос шароитда ва Ўзбекистоннинг маъносиз ҳаётида ҳамма нарса бўлиши мумкин. Бу ҳақда нима учун, дея сўраш ҳам абасдир. Чунки бу аҳвол бу ерда яшаётган ҳар бир инсон учун ўз ўзидан тушунарлидир...

Бизнинг ҳаётимизнинг қонуни ҳеч шубҳасиз қонунсизликдир...

Ҳаётимизнинг ҳаёт қонуни ёлғон билан яширилаётган ошқора ва сирли зулм, юқори ва куйи табақаларнинг масъулиятсизлиги, порахўрликнинг бутун турларнинг “гуллаб яшнаши”, айниқса имкони бўлганларнинг талон тарож билан шуғулланишлари, бунга имкони бўлмаганларнинг эса ўғрилиқ қилишлари. Булардан ҳеч бири солиқ тўлаш ҳақида албатта ўйлаб ҳам кўрмайдилар...

“Бир инсоннинг (диктатор Каримовнинг) Конституцияга зид равишда мутлақ ҳокимиятни эгаллаши ҳам бугунги ҳаётимизнинг қонунидир...”

Диний эътиқодли кишиларнинг фаолиятини қатъий таъқиқлаш, уларни озодликдан маҳрум қилиш, турли азобларга гирифтор қилиш, жаллодларнинг тубанлиги ва раҳбарларнинг безбетлик билан Конституцияни бузишлари–буларнинг барчаси бугунги Ўзбекистонда ҳаётимизнинг қонунидир...

Шуниси муҳими, бугунги ҳокимият ўзига танқидий кўз билан қарайдиганларни, яъни воқеалар ҳақида ўз фикрларига эга бўлганларни таъқиб қилмоқда. Бундай кишиларнинг ҳаммаининг шартсиз итоат қиладиган, ҳеч нарсага муносабат билдирмайдиган, режимнинг буйруқларини бажарадиган, унинг ўйинини сўзсиз қабул қиладиган ҳолга келишига эришмоқчи

бўлаётган зулм режими учун хавфли эканлиги ўз ўзидан тушунарлидир.

Жамиятнинг режим қулига айланганлигининг қонуни ва қадрияти яна шу жамиятнинг қулигидир. Бундай қуликда зоҳиран ҳамма эркин, ботинан эса ҳамма қулдир. Бундай шароитда ҳақоратланишдан ва инсоний шарафининг ерга урилишидан ҳеч ким қутула олмайди. Давлат маъмурилари шаънининг бундай паства урилишини исботлаш учун алоҳида тушунтириш ва далилларга эҳтиёж йўқдир...

Вячеславом Охунов билан ўзаро суҳбатда машҳур давлат маъмурининг мана шундай қисмати ҳақида гаплашгандик. Бу суҳбатни сўзма сўз ҳикоя қилмоқчиман. Мен замонамизнинг машҳур социологи Пьером Бурдьенинг давлат маъмурига берган таърифини эслатдим. Бу социолог давлат маъмури ёки давлат аппарати ҳодими—бу маъмурга айланган давлат аппаратининг ўзидир, деган эди. Чунки давлат аппарати бундай маъмурининг тубанлиги ва сўзсиз итоати учун унга кўп нарсалар беради. Шу билан бирга бу олим давлат аппарати бундай маъмурга масъулият юклашини ҳам таъкидлайди. Шунинг учун ҳам бундай давлат маъмури, виждонида ҳеч қандай қадриятга эга бўлмаган ҳолда, кўркув билан эмас, виждонийлик билан ўзини бойитаётган ва манфаатларини рўёбга чиқараётган давлат аппаратига хизмат қилади...

Мен бу таърифни ўзимизнинг ҳаётга қиёслаб, биздаги ҳеч қандай масъулиятга эга бўлмаган давлат маъмури, тўғриси айтсак, ўзи сотиб олган лавозимни оқлаш масъулиятини бўлган давлат маъмури ҳақида гапирмоқчи бўлганимда В. Охунов мен эслаб қолган ушбу жумлаларни айтди:

“Биздаги давлат маъмури режимнинг болглари, яъни режим тайинлайдиган аниқ вазифаларни бажарадиган зарурий қисмлари ҳисобланадилар. Бу маъмур ўзига топширилган вазифани бажаришига билади. Фақат В. Охуновнинг фикрича, бизда давлат дейиладиган механизмнинг бу “болт” маъмурига жойлашган негизлари бузилгандир, шунинг учун ҳам бу болтлар ҳеч нарсага ярамайдилар. Шунинг учун ҳам бизнинг ҳар биримиз ҳаракатсизликдан занглаб кетган давлат “машинамиз”, унинг ноқонуний фаолиятлари натижасида ўртага чиққан сиёсий манзаранинг ва ҳокимиятнинг ахволига гувоҳ бўлмоқдамиз...”

Шу муносабат билан менинг ёдимга “кадрлар ҳамма нарсани ҳал қилади”, деган машҳур қоида келади. Ҳақиқатан ҳам Сталин тоталитар режимининг бутун каттоликларига қарамай, айтишимиз керакки, унинг тузумида кадрлар ўзларига топширилган вазифалар учун бошлари билан жавоб берар эдилар. Бу режимда ҳам топилмайдиганлар йўқ эди, аммо ҳамма, раҳбар кадрларни ҳам кўшиб айтганда бу машҳур режимнинг “болтлари” ҳисобланар эдилар.

Истар истамас тарихда қолган ушбу режимни биздаги ҳозирги режим билан қиёслаганимизда, Сталин режимида ноинсонийлик ҳукмон бўлишига қарамай, давлатни олға етаклайдиган амалий мафкура ва бундан келиб чиқадиган маъмурига масъулияти мавжуд бўлган.

Мен турли йилларда бир неча марта президент Каримовнинг ўз маъмурига танбех бериб (тўғриси ҳақорат қилиб), уларнинг ишни масъулиятсизлик билан йўққа чиқарганини айтганини тамоша қилганман. Аммо ҳокимиятдаги масъулиятсизликни келтириб чиқарган “зотнинг” айнан диктатор Каримов эканлиги ҳеч кимга сир эмасдир. Бу эса бугунги кунда шахслар ва жамиятнинг асосий хусусиятидир.

Ўйлаб кўрадиган бўлсак, масъулиятсизликнинг жамиятни осон бошқариш учун, яъни “тепадигалар” ва “қуйидагилар”нинг ҳеч нарсага жавоб бермасликларини ис- тайдиганлар учун керакли эканлигини кўрамиз: бундай шароит қўлга тушмасдан ва жазо олмасдан ўғирлаш ва талон тарож қилиш учун энг маъқул йўлдир...

Мана шу аҳволдан келиб чиқиб, мен ўзининг гуруҳи ЎХХнинг мақсади билан ҳамоҳанг эканлигини айтаётган сиёсатшуноснинг (У. Ҳакназаровнинг) фикрларига қўшилмоқчиман...

Далилларининг ишонарли эканлигидан узоқда бўлсам ҳам, шахсан менга У. Ҳакназаровнинг уринишлари маъқул кўринади:

Бир томондан, ўзбек жамиятининг мавжуд ахволини тушунишга уриниш.

Иккинчи томондан эса, бу ёмон аҳволдан чиқиш йўлларини излаш...

Бу маънода унинг Отатуркнинг “ух- лаётган ҳалқ ўлади ёки кул сифатида уйғонади”, деган сўзларини такрорлаши жуда ўринлидир.

Чунки у қайғуга тўла бир ҳақиқатни тушунишимизга ёрдам беради: бизнинг халқимиз гафлат уйқосида ётибди, ҳукуратимиз эса халқимиз уйғонмаслиги, зулмга чидаши, демакки жамият онгининг, яъни фуқаролар ва миллий онгининг шаклланмаслиги учун қўлидан келган барча ишларни қилмоқда ва қилаверади

Лекин фақат назариядагина турк халқлари ҳамма нарсага чидайдилар. Ҳақиқатда эса ҳаётда нима бўлмоқда?

Диктатор қариб қартайиб қолмоқда, ундан ёки у кетгандан кейинги вазиятдан нимани кутиш мумкин?

Миллионларча инсонларнинг ахволи фожевий шаклда ёмонлашмоқда, ижтимоий вазият аста секинлик билан тараң- глашиб бормоқда, ки бундай ҳол ижтимоий тафаккур қоидаларига кўра ўз тараккиёт погонларига эгадир ва ҳеч шубҳасиз жамият ва ҳокимият ўртасида очик низоларга олиб келади.

Сиёсий зулм ва “юқорининг” террори билан янада авж олаётган бу фожевий аҳвол жамиятнинг ўзини ҳимоя қилиши учун қулай шароит ҳам ҳисобланади. Бу эса ҳокимият эгаларида кўркувни майдонга келтиради. Ҳақиқатан ҳам ҳозир ҳокимиятнинг турли поғоналари эгалари мудофаасиз қолганлар. Чунки уларнинг тақдирини бир кишининг (диктатор Каримовнинг) қўлидадир. Бу диктаторнинг ўзи эса ҳеч кимга ишонмайди, ўзининг, оиласининг, яқинларининг тақдирини кўрқади. Бу кўркув у ҳокимиятда қилган жиноятларини, 2005 йил Андижон қатлиомини ва бошқа кирдикорларини эслаган сайин диктаторни батарроқ титратади...

Ислом дини Ислом динидир. Менинг кузатишимча, кун сайин янада кўпроқ инсонлар масжидларга қатнамоқдалар, улар эътиқоддан нажот изламоқдалар.

(Давоми кейинги саҳифада)

БАҲОДИР Ф. МУСАЕВ: «ҚОНУНСИЗЛИК – ҲАЁТИМИЗНИНГ ҚОНУНИДИР...»

(Давоми: Боши олидинги саҳифада)

Ажабо бу камбағилликнинг ишоратами ёки инсонлардаги адолат истагининг, тўғри йўлдан юришнинг оддий шаклда ўртага чиқишимиз?

Мен бу саволларга жавоб топа олмаман. Фақат Ўзбекистон ва ўзбекистонликлар учун умид ва қайғули кунларнинг яқинлашиб келаётганини сезиб турибман...

Менинг шунингдек, Оксарой ва Оқуйнинг 2013 йилни “жазирама” йилига айлантиришмоқчи эканликлари масаласида тараддуларим ҳам бор.

Фақат ЎХҲ ҳақида яхши ёки ёмон нарсалар ёзилишига қарамай, мен учун бу

аниқ бир нарса билдиради:

Ушбу ҳаракат ва унинг раҳбари тавора жиддий сиёсий кучга айланиб бормоқдалар. Бунинг устига Муҳаммад Солиҳ Исом факторини тўғри баҳолай олган ва шу тўғрисида узоқни кўра оладиган мухолиф сиёсатчи сифатида фаолият олиб бормоқда.

Ижтимоий сиёсий тараққиётнинг ҳозирги Туркия моделини танлаган ва бу моделни бизнинг маҳаллий моддий ва маънавий шартларимизга мослаштиришга уринаётган Муҳаммад Солиҳнинг бу уринишларини Исом (Каримов) Ўзбекистондаги ахборот уруши иштирокчилари бу мухолифат лидерини ва ЎХҲни

қоралаш учун далил қилиб кўрсатишлари мумкин.

Назарий жиҳатдан мамлакатимизда ҳар онда қутилмаган (режалаштирилмаган) ва фожеавий натижалар берадиган ижтимоий портлашларнинг ўртага чиқишини қутишимиз мумкин. Бу натижалар учун мухолифатни масъул қилиб кўрсатишлари ҳам мумкин. Миллий онг мавжуд бўлмаган ва тикланмаётган, давлат ва жамиятни тараққиётга етказадиган ҳақиқий миллий мафқураси мавжуд бўлмаган мамлакат ҳақида яна нима ҳам дейиш мумкин...

Аммо ҳар нарса ўз ўрнида бўлиши керак. Ҳаёт давом этмоқда ва биз албатта жамиятимиз тўс тўполонларни четлаб ўтишини, унинг мудҳиш манзараларини эмас, инсонийликнинг ўртага чиқишига ишонишни умид қиламиз...

Баҳодир Ф. Мусаев

ЯЛЛАЧИ ПРЕЗИДЕНТ БЎЛАДИМИ?

Шундай бир латифа бор.

Афанди улфатлари билан йиғилишиб ашулаҳонлик, яллагиллик қилар экан. Лекин бу улфатлар орасига овози хира бошқа бир одам ҳам кўшилиб, улфатларнинг таъбини хира қилиб тураркан. Улфатлар безор бўлишибди. Бир кун Афанди ваъда қилиб қолибди: “Уни ўзим қайтиб яллагиллик қилмайдиган қилиб кўяман!”

Иттифоқо, шаҳарда қози сайлови яқинлашиб келаётган экан-у, Афанди ҳалиги овози хира “яллагиллик” гап қотибди: “Шаҳарда уламолар сизни қози сайловга кўтаришмоқчи бўлишяпти-ю, лекин сизнинг яллагиллигингиз панд бераётган экан. Яллагиллик қозиликка сайлашимиз деб норози бўлиб туришганмиш”.

Шунда “яллагиллик” илтимос қила бошлабди: “Сиз ақлли инсонсиз, бир йўлини топинг”, дея кўп тавалло қилибди.

Афанди “Йўли бор, лекин сиз бундан буён яллагиллик қилмаман деб қасам ичиб тилхат беришингиз керак” дебди. Ҳалиги одам бундан буёнига яллагиллик қилмаслиги тилхат қилиб, “яна яллагиллик қилсам эшшак бўлай” деб ҳам ёзиб берибди. Энди улфатлар унинг иштирокисиз, бемалол хиргойи қилиб ўтиришадиган бўлибдилар. Бироқ сайлов кун келганида қасам ичган собиқ яллагиллик биров эсга ҳам олмабди. Афанди билан учрашган ҳалиги одам айтди: “Яхши бўлди, энди яллагилликимни қилиб юравераман!”

“Қани, яллагиллик қилиб кўрингчи, нўхта солиб минаман, улфатларимга ҳам миндираман”. – дермиш Афанди.

Бу шунчаки бир латифа! Латифалар одатда ҳаётдан олинади дейишади. Бу эса ҳамма вақт ҳам тўғри бўлавермаса керак. Шунча ҳолатлар ҳам борки, воқеълик ўша ўзимиз билган ва ўрганиб кетган Афанди латифаларидан ҳам олинади. Балки исбат талаб қиларсиз! Ислоб учун узоққа боришимиз ҳам шарт эмас.

Диктаторлик режими ўрнатилган ва ҳукумат мафия томонидан бошқарила-

диган бизнинг Ўзбекистонимизда айна шу манзара кузатилади. Бу кўхна заминда қандайдир бир қози ҳам эмас, қозикалон ҳам эмас, бутун бир мамлакатни бошқариши керак бўлган сиёсий ҳукумат раҳбари лавозимига яллагиллик сайланади. Сайланади ҳам эмас, аслида тайинланади! Бу воқеа 2015 йилда содир бўладиганга ўхшаб турибди.

Ҳар неки, доимо бўлганидек, бу сифар ҳам бу тадбир “сайлов” деб аталади ва бизнинг олғир “маликамиз” бунда ютқини кўлга киритишига эса бирор шубҳа қолмаяпти. ЕХҲТ одатдагидек ўзининг дий-диёси билан чекланади, ЕИ эса афсус билдиради ҳолос, дунё демократиясини тамсил қилиш даъвосида бўлган АҚШ эса сукут сақлайди. Бу ҳақда башорат қилиш ҳам шарт эмас, шунчаки воқеалар сценарийсидан хабаримиз бўлгани учун ҳам айнан шундай бўлади дея баралла айта оламиз.

Нега энди айнан яллагиллик? Гулнора Каримова аввалбошида АҚШда жойлашиб олишни кўзда тутгани, афсус, қув қурғур асов от каби бўй бермади. Агар ўшанда улар ажрашиб кетишмаганида 2015 йилда ким бизга президент бўлиши мумкин эди? Бошқа бировми? Албатта бошқа биров эмас! Унда бизнинг президентимиз Лола Каримова бўларди. Исом Абдуғаниевич ўзи кўёвдан оғзи куйганлардан бири эмасми ва шунинг учун ҳам Темур Тиллаевни ҳокимиятга келтиришига мутлақо умид йўқ.

Қутилаётган “сайлов”да эса Ўзбекистон халқи истайдими, ёки йўқми, ҳукмдоримизнинг яллагиллик қизи презиентликка сайланади. Бу яллагилликнинг устамонлигини қарангки, на Афандига мурожаат қилган ва на тилхат берган. Қолевёрса, “маликамиз” элдан сўраб ўтирадиганлар хилидан ҳам эмас.

“Гугуша” деганда ўзбеклар бизнинг “маликани” тушунадиган бўлиб қолишди. Эронлик Гугуш тахаллуси билан танилган машҳур хонанда Фойиқа Оташинни хафа қилиб кўямизку деб ўйлаб ҳам ўтиришмайди.

Гугуш тахаллусини танлаган бу хо-



нанда ўз интервьюларининг бирида ўз тахаллусининг маъноси – оқ қуш эканлигини ҳам айтиб ўтгани. Демак, Гулнора Каримова ҳам ҳукмдорлик курсисига ўтиришадан аввал оқ қуш бўлмоқчи!

Ўзбекларимизнинг ўзида ҳам бир калтак бордай. Уларга нима нарсани қанд деб оғизлари солиб

қўйишса ўшани еб юраверишади. Бирор раҳбар одам “қўмир оқ, қор қора” деб кўрсин, бутун Ўзбекистон мамбуоти оппоқ кўмирлар ҳақида новеллалар ёзиб ташлаши ҳам мумкин. Юқоридан бир имо қилинса бас уларга. Лекин бизнинг Гугуша ўзини оқ қушга айлантира олармикан? Масалан, миллионлаб долларда пора олгани, бутун Республика мулкни талон-тарож қилгани ортидан. Албатта турли маникюрлар билан оқ ранга ўтиши мумкин-у, аммо моҳиятан қора қарға бўлиб қолишда эса давом этаверади.

Бирида инглизчалаб бўлса керак, “Айлан, айлан Гулнора” қўшиғини куйладими-ей. Яна бир ҳолатда “Сочимни майда ўринг, ота” дея хиргойи қилиб қоладими-ей. Ҳў-ў илгарироқ “Унутма мени” дея хиргойи қилгани ҳам бор эди. Ҳар неки, овоз хира, қалб қора бўлса ҳам, зўрма зўраки олқишлар олди ишқилиб. Олқишламай ҳам кўришсинчи, бу олқишламайдиганларнинг боши қозонда, моли талонда бўлишини ҳамма билади ахир. Бунақа воқеалар фақат бизнинг Ўзбекистонда учраши мумкин!

Шундай қилиб, Гулнора Каримова (Гугуша) президент бўлади ва яллагилликни ташлайди (ми?). Нима энди, ўзбеклар яллагилликни президент қиладими?

Тўлқин Қораев

НАМАНГАН ВИЛОЯТИДА “ЭРК” ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ КОНФЕРЕНЦИЯСИ БЎЛИБ ЎТДИ



2013 йил 16 март куни маҳаллий вақт билан соати 12-00 да Ўзбекистон “ЭРК” Демократик Партиясининг Наманган вилояти конференцияси бўлиб ўтди. Наманган вилояти конференциясига, “ЭРК” Демократик партиясининг Марказий Кенгаши аъзоси, ЎХХнинг фаоли Фахриддин Тиллаев раҳбарлик қилди.

Конференцияда асосий учта масала кўрилди. “ЭРК” Демократик Партиясининг 6-Қурултойини ўтказиш ва унга таёрларлик кўриш”. “ЭРК” партияси Наманган вилояти раҳбарини сайлаш”,

“ЭРК” партияси котибини сайлаш” ва турли хил масалалар юзасидан муҳокама қилинди.

Муҳокама жуда қизгин ва самарали асосида олиб борилди. Баҳс ва мунозараларда асосан, “ЭРК” партиясининг Тошкент шаҳрида келажакда бўлиб ўтадиган, 6-Қурултойида, партиянинг “Дастур ва лойиҳаси”га қўшимчалар киритиш ва унинг бугунги муаммолар асосида бойитиб бориш ҳамда дастурни қайтадан кўриб чиқиш талаби кўйилди.

Бу таклиф ва талабларни ўрганиш ҳамда Республика микёсида ишсизлик муаммоларини ечиш талаби юзасидан, “ЭРК” партиясининг бош котиби Отаназар Орифга таклифлар тақдим қилиш масаласи кўндаланг қилиб кўйилди. “ЭРК” демократик партияси Наманган вилояти раҳбари этиб, Ғуломжон Холматов сайланди.

“ЭРК” партияси Наманган вилоятининг конференцияси ишида партиянинг ишини ривожлантириш ва унинг аъзоларини кўпайтириш масаласи долзарб масала қилиб кўрсатилди. Наманган вилояти партиясининг таркибини ўзгартириш ва амалга ошириш юзасидан тегишли чоралар кўриш тавсия қилинди.

Шу ернинг ўзида Наманган вилоятида яшовчи фуқаролардан тушган, “ЭРК” демократик партиясига аъзолик қабул қилиш тўғрисида”ги аризалар қабул қилинди ва тегишли қарор ишлаб чиқилди. Конференция иш якунида партиянинг котиби сайланди...

Наманган вилояти “ЭРК” Демократик Партиясининг конференцияси ўз ишини якунлади.

“ЭРК” Демократик партияси Маркази кенгаши

ЎХХ Хабар маркази

ҚЎҚОН ШАҲРИДА! ЎХХ ФАОЛИГА НИСБАТАН, МХХ ФИТНА УЮШТИРДИ

2013 йил 17 март куни маҳаллий вақт билан соати 13-40 дан ўтганда, “Наманган-Қўқон” йўналиши бўйича қатнайдиغان, “Нексия” оқ рангдаги таксида, “ЭРК” демократик партияси Марказий Кенгаши аъзоси, ЎХХнинг фаоли Фахриддин Тиллаев, Наманган вилояти “ЭРК” партиясининг раҳбари Ғуломжон Холматов ва укишининг оиласи Муқаддас Холматовалардан иборат шахслар бор эди. Улар асосан Қўқон шаҳрида, “ЭРК” Демократик партиясининг Фарғона вилояти конференцияси ўтказилиши режалаштирилган эди...

Қўқон шаҳар Марказий кўчаларидан бири бўлмиш яъни, “Худоёрхон” обидаси олдида кесишиб ўтадиган катта кўча, “трасса”сининг ўнг томонида, катта тезлик билан келган, “510 АА” рақамли оқ рангли, “Ласетта” машинаси такси олдида кўндалам холатда келиб тўхтаган.

“Ласетта” машинаси ичидан, “қора маска”ли шахслардан, икитаси ва бир фуқародан иборат, МХХнинг “агенти”, “ОИБЕК” исмли шахс бор эди.

Улар яъни, “маскали” шахслар, такси орқасида ўтирган, Фахриддин Тиллаевга ташланиб, уруб-дўппослашганлар ва уни катта кўчага улоқтиришганлар.

Улар Фахриддин Тиллаевнинг калласига, ичига, ён биқинларига тепишиб, ўзлари машинага ўттиришган ва ўша воқеа содир бўлган жойдан ғойиб бўлишганлар.

Шу вақт ичида пайдо бўлиб қолган, Қўқон шаҳар ИИБга тегишли бўлган, “ДПС” қизил рангли, “Матиз” авто машинасининг ходимлари ва Қўқон шаҳар, “Терроризмга қарши

курашиш” бўлимга тегишли бўлган, кўк рангли чет элда ишлаб чиқилган машиналар, “серена” овози билан келганлар. ИИБнинг ходимлари Фахриддин Тиллаевни йўлдан кўтаришиб олишган ва Қўқон шаҳар ИИБга олиб боришганлар. Фахриддин Тиллаевни “урган”, “Ойбек” исимли шахс ҳам, ИИБга олиб кетилган...

“Хуқуқбузар”, Ойбек исимли шахснинг ёнида паспорти бўлмаганлиги учун, унинг шахси аниқланмади. У Қўқон шаҳар ИИБда ушлаб турилган. Бироқ... ИИБга телефон қилган, “СНБЕШНИК”лар, ИИБнинг маъсул ходими, Мўминжон Эргашевга телефон қилишиб, “бизнинг одамимизни тез чиқариб юбор” деб дўқ-пўпписа қилишган...

Шундан сўнг, Фахриддин Тиллаев билан келган шахсларнинг шахси хужжатлари асосида аниқланиб, улар Қўқон шаҳар ИИБдан чиқариб юборилган. Фахриддин Тиллаев, Қўқон шаҳар ИИБда ушлаб турулди ва унинг ёнида бўлган сумкаси ва телефонлари ҳамда бош-кийимлари текширилган.

Текшириш давомида унинг ёнидан, “илинади”ган ҳеч нарса чиқмаганидан сўнг, кеч соати 20-00да “Тошкент-Қўқон” шаҳри йўналиши бўйича, қатнайдиغان автомашина “Наманган ИПХ” масканигача қаттиқ кузатув асосида Фарғона водийсидан чиқариб юборилган.

Фахриддин Тиллаев минган оқ рангли, “Нексия” эса, “Қўқон-Тошкент” йўналиши бўйича ҳеч жойда тўхтатилмаган. Қўқон шаҳрига уюштирилган, “саёҳат” ўз якунига етди...

ЎХХнинг махсус муҳбири

ФЕЙСБОКДАГИ “КАРИМОВ КЕТ” ГУРУҲИ АЪЗОЛАРИ СОНИ ОРТИБ БОРМОҚДА



ЎХХ фаоллари тарафидан Фейсбокда ташкил қилинган “Каримов кет” гуруҳи (<http://www.facebook.com/groups/karimovket/>) аъзолари сони қисқа муддатда 7200 кишига етди.

Бу ўзбек муҳолифати ичида интернетнинг ижтимоий тармоқларда тузилган ва Ўзбекистонда Каримов диктатурасини тугатишга қаратилган интернет лойиҳаларнинг энг машҳурларидан биридир.

Ушбу гуруҳда ҳар куни Президент Каримовнинг золим режими жиноятларини фош қилувчи ўнларча мақолалар, видео ва фото лавҳалар, гуруҳ аъзоларининг фикрлари, турли танқидий нуқтаи назарлар эълон қилинади. Каримов МХХ сининг айғоқчилари гуруҳ фаолиятига тўсиқ бўлишга ва унинг аъзоларининг сони камайтиришга қанчалик уринмасин, ушбу гуруҳ ўз сафларини ҳар куни юзларча янги аъзолар билан тўлдирмоқда.

Маълумки МХХ айғоқчилари аввалда ҳам ЎХХ расмий сайтыга ва Одноклассники ру сайтыдаги гуруҳига хужумлар уюштирган, аммо ҳаракатимизнинг бу медиа бўлимлари қисқа муддатда ўз фаолиятларини қайта тиклашга муваффақ бўлганди. Ўзбекистонда Каримов диктатураси ўрнига эркинлик ва адолатга асосланган жамият тузилишини истайдиган барча ҳамюртларимизни Фейсбокдаги ушбу гуруҳ фаолиятида иштирок этишга қақирамиз.

ЎХХ Ахборот Маркази

НАВРЎ АРАФАСИДА ВАТАНДОШЛАР БИЛАН СУХБАТЛАР...

Сохиба опа, нафақадаги ўқитувчи: “Бир ёлгонда қирк ёлгон”

...Боғча ва мактаблар иш куни-ни «Ватан мадҳияси» билан бошлашга ўтганларида қувонгандик. Аммо болаларнинг “кўча тили”ни кузатганингизда Ватан мадҳиясини куйловчи тилнинг нутқ маданиятидан таажжубга тушасиз. Нега шундай бўляпти? Нима учун тил бошқа-ю, дил бошқа одамларга айланиб бормоқдами? Маърифатга қанчалик интилсак, шунчалик иллатларга ботиб қолмоқдами. Ўзимиздан ташқари бир куч измида бошқарилаётганга ўхшаймиз. Айниқса, бир нарса демокчи бўлсак, худди журналистларга ўхшаб, ичимизга ўрнашиб олган “цензура”нинг раъйига қараймиз. Шу даврадагилардан бири “Кулок” ё “Кўз” эмасмикан? Нинадан туя ясаб бошимизга бало ёғдирмасмикан, деган хавотир ҳамма жойда сизни таъқиб қилади.

Ҳозирда бир ёлгончилик замони авж олди, ўзи. Тавба дейсан, ҳаммамиз ёлгон гапиримиз. Мактабда ўқувчини алдаймиз. Уйда болаларни, кўчада бир-бировни. Кечкурун эса ишдан келиб ТВни очсангиз, у бутун Ўзбекистонни алдаб ётган бўлади. Шундай ёлгонлайдики, ишонмай иложингиз қолмайди.

Мана ҳозир кўклам, дарахт экиш, ободончилик ҳақида ёлгонлар авж олган. Ўтган йилги дарахтларнинг қанчаси кўкарди, қанчаси қуриб қолди, қанчаси киш ўчоғига ёниб қул бўлди, деб ҳеч ким сўрамайди. Ҳаммадан ҳам қатор-қатор тутларнинг кесилиб йўқ бўлганини айтинг, эрта-индин ипак куртини нима деб алдасаркин? Мана, сизга масала. Ёлгонларсиз яшайдиган кун бормикан, ўзи? деб сўзини савол билан тугатган суҳбатдошимиз биздан жавоб кутарди.

– Ёлгоннинг умри қисқа. “Бир ёлгонда қирк ёлгон” деган эртақ бўларди. Президентнинг диктаторлиги ва ёлгончи мунофиқлигига ишонч ҳосил қилиши учун халқимизнинг кам деганда йигирма йил умри кетди. Шу йиллар давомида Диктатор ваъда қилган “Келажаги буюк давлат”нинг донғи-ю, чанги кўкка етди. Диктаторимиз бўлсалар, бир ёлгонни 40 ёлгон билан ёпиб ҳам яширолмаяпти, аммо таслим бўлгиси, тахтдан кетгиси йўқ. Демак, энди ҳам ишониш ўлим, йўқлик демакдир. Битта йўл қолди: Халқимиз хориждаги “Ўзбекистон Халқ Ҳаракати”га бирилшган Мустақиллик курашчиларини қўллаб-қувватлаши ва ўзлари ҳам бу курашга бел боғласаларгина мустабид зулмидан қутилишимиз мумкин.

Хайрулло (“Талабалар” жамоаси аъзоси): “Ўзбекистоннинг №1 рақамли лўлиси” Ошкоралик, ошкоралик деймиз. Ошкоралик нима ўзи? Демократияси бу яна нима дегани бўлди? Бу бизнинг қадимги “Бошинга қилич келса ҳам рост гапир” ақидамыздан олинган бўлса керак. Мен ўзбегимнинг ўз зарарига тўқилган баъзи мақолларига қаршиман. Тўқилган ҳадисларга ўхшаб, бундай мақоллар ҳам халқнинг шаштини қайтаради, эркини бўғади. Яқинда тўқилган ҳадислар ҳақида ўқиб, ҳайрон қолдим. Динимизни бошидан бошлаб мунофиқлар бузган экан-да, дедим. Хўп, чалғимайлик, мақолларга қайтсак:

«Кўл синса енг ичида» иш тутиш, “Емонимизни яшириб, яхшимизни ошириш”, “Шавла кетса кетсин, обрў кетмасин”, “Лўлининг эшагини суғор, пулини ол...”, “Гапирган кумуш, жим турган тилла”, “Оч

корним – тинч қулоғим”, “Қирар эшигинг-ни қаттиқ ёпма”, “Ўзга элда хон бўлгандан ўз элингда қул бўл”, каби мақолларимиз борки, инсонни мутеъликка тортади, ҳақ сўз зарур бўлганида “ёпиғлик қозон ёпиғлигича” қолишини уқтириб туради.

Масалан, “Ўзбекнинг ўзига беклиги”ни олинг. Нима дегани у “Ўзбек ўзига бек” дегани? Бир чет эллик меҳмон бу мақолга шундай шарҳ берган эди: “Яъни ўзбеклар мажлис қилиб бир нарсани маъқуллайдилар. Тарқалишгач эса, ҳар ким ўз билганича иш тутади. Чунки ўзбек – ўзига бек. Ваъдасида турмаса, ахдини бузса, сўзидан қайтса, келишилган жойга кечикиб келса ёки келмаса айб эмас, чунки у ўзига бек...” Бу шарҳни берган киши чет эллик тадбиркор эди. Мана қаранг, иллатларимиз қай ерлардан бошланиб, қай ерларда тугаяпти.

Мана шундай бошимиз бирикмаганлиги, “ҳар ким ўзига ўзи беклиги”, аравани биров кўкка, биров ерга, биров яна бир томонга торгани учун ҳам ўтган асрнинг 80-90-йилларида шакланган халқ ҳаракатларини душманлар осонгина парчаладилар ва бу ҳол ҳозирда ҳам давом этмоқда. Бундай оломон давлатини ўзидан чиққан бошлик эмас, албатта миллатнинг, исломий эътиқоднинг ашаддий душманлари бўлган яхудиёлар ва бошқа ғайрлар осонгина бошқармоқдалар.

“Дарахт бир жойда кўкаради”, деб шўр ерда қуриб тамом бўлсак ҳам жойимиздан жилиш хаёлга келмайди. Яна шу шўр пешонани текширгани юқоридан вакиллар келса, арзимизни айтиш, ҳукуматга талаблар қўйиш ўрнига, худди айбимиз бордай ялтоқланиб, пойига поёндоз ёзамиз, тишимизнинг қавағида бир қаро кунларга асраб қўйган ушоғимизни олиб хонлардек яшаб турган комиссиянинг чўнтағига солиб қўямиз. Шуни айтар экан-да, “бой ҳам бойга гадоё ҳам бойга” деб. Хуллас, ой сайин хабаримизни олиб турувчи комиссияларга ва ўзимизга ўзимизни “бекаму кўст” кўрсатишни қотириб хал қиламиз. Комиссиялар ҳам томоғи бор (нозик кўнгил одамлар), гапга тушунади, ўзимиз билган ёмонимизни ўзимиздан яшира олганларидан хурсанд. Бу жуда ҳам қизик эмасми?

Ҳа, яна бир қизик томони, қизикчилар айтганидай “бизда ҳамма нарса қизик”. Сен муаммолар ичида ўламан деб турганда, ҳукуматнинг ялтоқи матбуоти ва шайтанат ТВлари камбағалнинг кўзини ўйнатишдан уялмайди. Ойда бир кило гўшт емайди-ган хонадонлар ош базмлари-ю, эротик усуллардан иборат беҳаё, маънавий бузук кўшиқлар билан авралади, гўё ҳамма бахтиёр. Оғзида бир тиши йўқ қариялар, мункилаган кампирлар даврада селкиллаб ўйнаб, томоша кўрсатади (буям уят). Диктатор Президент ҳақкига ёш-у қари дуо қилиши урфга кирган. Эмишки, гир атрофда уруш, Ўзбекистонда тинчлик. Бу қандай тинчликки, болангнинг кўзига ёш, томоғига тош тикилиб турса?! Шу чол ва кампир ёки оқсоқол ҳам ўзининг дуоси ёлғону-сохта эканини яхши билади. Аммо у “лўлининг эшагини суғор, пулини ол” мақолига амал қилади. Ёлгон мақтовлардан кўриниб турибдики, Ўзбекистонимизнинг энг қатта лўлиси, лўлибошиси Диктатор Қаримовдир. Аммо бу лўлининг эшаги сув ичавериб бўқиб кетмадимикан?

Эй кўркув юрагини олиб қўйган юртдошларимиз, қачонгача лўлининг эшаги-

ни суғориб, тинчлик саклаймиз. Ундан кўра ақлни ишлатайлик, бир йўла унинг ўзини ҳам, эшагини ҳам йўқотиб, бошқа халқларга ўхшаб, тинч-омон яшашнинг ҳаракатини қилайлик. “Ўзбекистон Халқ Ҳаракати”ни қўллаб-қувватлайлик, ўз мулкимизга ўзимиз эга бўлайлик.

Кези келганида яна бир гап: бу (яхудий) диктаторимиз ҳақиқатан лўлилар лўлиси чиқиб қолди, ўзи. Одамларни аврашда лўлиларни чангида қолдириб кетди. Мана қаранг, ўзи етар-етмас халқ бўлсак-да, юртимизда йилнинг олти, етти ойи зўраки байрамлардан иборат. НАВРЎЗ келишидан бир ой олдин бошланган байрам апрелни охираб нафасини ростлайди. Орадан икки ой ўтмай “Мустақиллик”нинг ҳаракати бошланиши, сайл томошалари, ҳисоботлари билан уч ойни эгаллайди. Кейин Қорбобони қутишлар бошланади. Бу ҳам камлик қилгандай, Диктаторнинг эрка қизи Гулнора хоним халқнинг оғзидаги сўнги лўкмасини тортиб олиб “Асрлар сандоси” номли халқаро кайфу-сафосига сарфлайди. Мана сизга профессорнинг сиёсат ва иқтисодни тушуниш даражаси... Бу энди алоҳида мавзу...

Яна орада одамларнинг шахсий тўймаъракалари, туғилган кунлар, ишхоналарда комиссиялар шарафига зиёфатлар, бошлиқларнинг кўнглини топишлар ва ўзингизни ҳам хурсанд қилишлар... Одамлар шу қадар чалғитиладики, сиёсат, эрк, ҳақ-ҳуқуқ ҳақида ўйлашга ўзларидан ортмайдилар.

Бундан ташқари бизда ҳар бир йил туғилмасидан олдин Юртбоши унга исм қўйиб беради: “Болалар йили”, “Саломатлик йили”, “Хотин-қизлар йили”, “Оила йили” ва ҳоказо. Ҳозирча адашмаган бўлсак, Мустақилликдан бери 22 та йилга 22 та “ақиқа” ўтказибмиз. Йиллар мучал йилларига ўхшаб ҳар ўн икки йилдан такрорланмайди. Ҳеч бир йилни хафа қилганимиз йўқ. Ёзарлар-у, чизарлар қудратимиз еганича йилларни ва Президентни олқишладик, ёздик, мактадик ва мактадик.

Гуруч қурмасиз бўлмас деганларидек, шундай бахтли замонда кимга нима етишмаяптики, ўз юртидан қувгинди, аллақайси оқимлар фаровон ҳаётимизга сассик буринларини тикадилар, содадади, гўр, тўғрироғи сиёсий хом ёшларимизни йўлдан оздирмоқчи бўладилар! Шундай бир нозик вазиятда ОАВнинг масъулияти яна-да ошади. Махсус кўрсатув ва эшиттиришлар орқали Фуқаролик институтларини яратиш ўрнига уни издан чиқараётган Махалла ва унинг фаоллари, хотин-қизлар ташкилотларига эскича услублардан воз кечиб, ҳаётга яна-да чуқурроқ кириб боришлари, одамларнинг фикру-ўйи билан қизиқишлари бугуннинг айни вазифаси сифатида қаттиқроқ уқтирилади...

Тан олайлик, бугунги кунимиз учун шифобахш ачиқ ҳақиқатлар ғоят муҳим бўлиб қолди. Қачонгача буюк бобокалонларимиз панасига ўтиб, «фалончиларнинг авлодларимиз» дея кўксимизга урганимиз ҳолда “лўлининг эшагини суғориб” аждодларимиз руҳини хижолатга қўямиз. Зеро, аждодларимиз «насабингиз билан эмас, ҳасабингиз, мансабингиз (муносиб фаолиятингиз) билан фахрланинг», дея марҳамат қилганлар...

Суҳбатдош Абдуқодир Қарим

У.ҲАҚНАЗАРОВ: ЎЗБЕК МУХОЛИФАТИДАГИ “ИМЗОЛИЛАР” ҲАҚИДА

“Каримов ва АКШ ўзбекистонликлар учун “Жазирама-2013”ни тайёрлапти” номли сўнгги мақоламизда биз реал ўзбек мухолифатига қарши курашаётган сохта мухолифатчилар ҳақида батафсил маълумот беришни ваъда қилган эдик. Бугунги мақоламиз мазкур масалага бағишланади. Шундай қилиб...

Ўқувчиларнинг ёдида бўлса, бундан олдинги мақоламизда АКШ мулозимларининг Хопкинс университети профессори Фредерик Стардан буюртма мактубига ушбу бир жумлани киритишни сўрагани ҳақида айтган эдик: “Муҳаммад Солиҳнинг исломий экстремист ва террорчи эканлигини ўзбек мухолифатчилари А. Пўлатов ва Ж. Маматовлар ҳам тасдиқлаши мумкин”.

Қайси ўзбек мухолифатчиси Муҳаммад Солиҳни исломий террорчи деб ҳисоблашини АКШ мулозимлари қаердан аниқлабди? Эҳтимол, америка махсус хизматлари кечаю-кундуз ўзбек мухолиф сайтларини кузатиб борар? Эҳтимол.

Аmmo энг муҳтамал жавоб шуки, аслида ўзбек махсус хизматлари тарафидан тузилган “Фаол мухолиф гуруҳларни бузиш учун Ўзбекистон Миллий Хавфсизлик Хизмати (МХХ) тарафидан ўзбек мухолифати сафларига киритилган шахслар”нинг тўлиқ рўйхати МРБ кўлига топширилган. Яъни, Фредерик Стардан буюртма мактубига Пўлатов ва Маматов ҳақидаги иқтибосни киритиш сўраганида, МРБчилар айнан мана шу рўйхатга асосланган.

Америка махсус хизматлари ҳозир ҳам “Жазирама-2013” махсус амалиётининг илк босқичи доирасида реал ва фаол ўзбек мухолифатига қарши Каримов диктатураси фойдасига ёрдам беришда мазкур “White List”га таянадилар. Шундай қилиб...

МХХнинг “Оқ рўйхати” ёки Ўзбек мухолифатидаги “имзолилар” ҳақида “Бешинчи устун”лар ҳар бир даврда, ҳар бир халқда, ҳар бир мухолиф ва сиёсий гуруҳда мавжуд бўлган. Охирикват уларнинг ҳаммаси фош этилган. Бугун биз ўзбек мухолифати орасида иш олиб борётган “бешинчи устун”ни фош этишга қарор қилдик.

Ўзбек ва хорижий жамоатчилик эътиборига “Фаол мухолиф гуруҳларни бузиш учун Ўзбекистон Миллий Хавфсизлик Хизмати (МХХ) тарафидан 1990 январь ва 2005 йил декабрь мобайнида ўзбек мухолифати сафларига киритилган шахслар рўйхати”ни ҳавола этамиз.

Бу 1990 йил январь – 2005 йил декабрь орасида ўзбек махсус хизматларига “Мустақилликни мустақамлаш ва Республика сиёсий барқарорлигини сақлаш йўлида Ўзбекистон МХХ билан ҳамкорлик қилиш ҳақида” тилхатга имзо чеккан шахслар рўйхатидир.

Рустам Иноятов “Контора”си бу рўйхатга кирган шахсларни “имзолилар” (“подписанты”) деб атайди. Ватан ўз қаҳрамонларини таниши керак, деганларидек, “Ватан ўз имзолиларини ҳам тани-

ши лозим”. Куйида уларнинг рўйхатини келтирамиз. Фаол мухолиф гуруҳларни бузиш учун Ўзбекистон Миллий Хавфсизлик Хизмати (МХХ) тарафидан 1990 январь ва 2005 йил декабрь мобайнида ўзбек мухолифати сафларига киритилган шахслар

РЎЙХАТИ

Абдуллаев Алишер (Якобсон Давид),
Ардзинов Михаил,
Бадалбоев Шухрат,
Дадажонов Исмоил,
Ежков Сергей,
Жўраев Шавқиддин,
Зайнобиддинов Саиджаҳон,
Зоҳидов Марат,
Иноятова Василя,
Йиғиталиев Содикжон,
Каримов Анвар,
Комилов Нуриддин,
Маллаев Абдусамад (Самад Мурод),
Мирзакулов Зулфигор,
Мухторов Жамшид,
Мухторов Хуршид,
Муҳаммадқулов Шавкат,
Нарзикулов Муҳаммадамин —
мархум,

Ниёзметов Али,
Ниёзметов Валерий,
Ниёзметов Вилор,
Носиров Йўлдош,
Обидов Ризобек,
Одилов Исмоил,
Орипова (Каримова) Гавҳар,
Охунов Пўлат,
Пўлатов Абдурахим,
Расулов Юсуфжон,
Раҳматуллаев Неъматжон,
Раҳмонов Аҳмад,
Розиков Адхам,

Саъдуллаев Баҳодир (Чиғатой)
мархум,

Саидбекова Шоира,
Сиддиқов Алишер,
Сиддиқов Асилбек,
Сулаймонов Ҳамдам,
Султонов Рустам,
Ташанов Абдурахмон,
Ташанов Дайнов,
Турдиев Шерзод,
Умурзоқова Қаноатхон,
Чиндавлатов Аббос,
Эргашев Абдусалом,
Эргашев Анвар,
Қўчқоров Фахриддин,
Қўлдошев Раҳматжон,
Қўчқоров Рустам,
Ғаниев Шухрат,
Ғафуров Абдухошим,
Ғуломов Қаҳрамон,
Ҳасанов Билолиддин,
Ҳасанов Дадахон,
Ҳасанов Умар,
Хўжаева Шахноза.

Гарчи юқоридаги рўйхат “Ўзбек мухолифати сафларига киритилган шахслар рўйхати” деб номланса-да, унга нафақат сохта мухолифатчилар, балки баъзи инсон ҳуқуқлари фаоллари ҳамда хорижий ОАВга ишлаган/ишлаётган журналистлар ҳам киритилган.

Агар сохта мухолифатчиларнинг асо-

сий вазифаси реал ва фаол мухолифатчиларни доимий қоралаш, мухолифат орасида тўхтовсиз жанжаллар чиқариш, мухолифат фаолияти ҳақида ўзбек махсус хизматларига ихбор етказиш бўлса, рўйхатдаги ҳуқуқдон ва журналистларнинг вазифаси – маҳаллий ва хорижий жамоатчилик эътиборига мухолифат фаолиятини қора рангларда тасвирлашдан иборат.

Юқоридаги рўйхатдаги шахслар орасида “эски гвардия”га мансуб, иш стажини совет давридаёқ бошланган сохта мухолифатчилар билан бир қаторда, мухолифатга ва ўзбек халқига қарши каримов-америка курашига янги қўшилган, ёш кадрлар ҳам бор. Аввало сохта мухолифатнинг “эски гвардия”си ҳақида. Шундай қилиб...

“Имзолилар”нинг биринчи тўлиқини “Эски гвардия” ҳақида сўз очилган олдин, мархум Баҳодир Саъдуллаев (Чиғатой) исмини эслаб ўтиш лозим. У биз кўниккан «классик» маънодаги “имзоли” эмас, балки КГБнинг, кейинчалик МХХнинг штатли ходими эди. Абдурахим Пўлатовга яқинлиги билан маълум Б.Саъдуллаев 1980 йиллар охири ва 1990 йилларнинг бошида “Бирлик” сафида жонбозлик кўрсатиб, бу сиёсий ҳаракатни парчалашга қатта ҳисса қўшган. Б.Саъдуллаев (Чиғатой) ўзининг МХХ “кадри” эканини одамлардан яширмас, ҳатто баъзан маст ҳолатларида, буни очик эътироф ҳам этгани кўпчиликка маълум.

Бевосита “Имзолилар эски гвардияси”га эса 90-йиллардан то бугунгача мухолифатга қарши фаолияти билан танилган шахслар қиради.

Абдурахим Пўлатов (МХХдаги лақаби – “КиберРаҳим”), Пўлат Охунов (МХХдаги лақаби – “Охунбо-бо”), Василя Иноятова (МХХдаги лақаби – “Василиса”) ва б.



каби каримов-америка аксил-мухолифат курашининг ветеранлари ҳақида ортиқча тўхталиб ўтиришга ҳожат йўқ деб ўйлаймиз.

Қисқача шуни эслатиб ўтиш мумкинки, 1994 йил “Бирлик” ҳаракати аъзоси Василя Иноятова, ИИВнинг 7-бўлими ҳамда айни пайтда МХХ айғокчиси Адхам Розиков (МХХдаги лақаби – “Розенберг”) билан тил бириктириб, қўшни мамлакатлардан Ўзбекистонга келтирилган кўп сонли “Эрк” газетасини ўзбек махсус хизматларининг республика аппаратида етказиб берган. Бундан ташқари, Василя Иноятова газетани Ўзбекистонга олиб кирган “Эрк” фаолларини ҳам тутиб берган.

Яқин вақтгача Василя Иноятова “Бирлик”нинг “Ҳаракат” журналига ҳам шундай қилиб келган.

(Давоми кейинги саҳифада)



У.ҲАҚНАЗАРОВ: ЎЗБЕК МУХОЛИФАТИДАГИ "ИМЗОЛИЛАР" ҲАҚИДА

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Бу хоним ўзбек кучишларга тизимлари кўлига нафақат "Эрк" фаолларини, балки ўзининг "Эзгулик" ташкилоти вакилларини ҳам тутиб берган, хусусан, у 2005 йил "Эзгулик" конференциясида қатнашиш учун келган бир гуруҳ водийлик аёлларни Каримов милициясига тутиб берган. Бу аёллар хорижий ОАВ вакилларига Каримов диктатурасининг водийда аёлларни мажбуран стерилизация этаётганини билдириш учун келгандилар.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, бугун Васида Иноятова бошқараётган "Эзгулик" ташкилоти таркибининг 60% собиқ прокуратура, милиция ва махсус хизмат ходимларидан иборат.

Абдурахим Пўлатов, Пўлат Охунов ва Васида Иноятова каби "имзолилар" Каримов диктатураси хизматида ўз ихтиёри билан ёлланган. Аммо бу рўйхатда шундай кишилар ҳам борки, уларнинг ўзбек ҳукумати билан ҳамкорлик этишига сабаб – Каримов қамокларига тушишдан чўчиши ва табиатан кўрқоқлиги бўлган.

Таникли хонанда ва "Бирлик" фаоли Дадахон Ҳасанов (МХХдаги лақаби – «Ҳофиз») илк кийнок соатларида ёқ ҳамкорлик тил-хатига имзо кўя қолган. Энди ўзбек махсус хизматлари уни ёзма кўрсатмалар ва ЎХХ лидери Муҳаммад Солиҳга қарши интернет-чиқишларда ишлатади.



"Имзолилар"нинг эски гвардиясига Марат Зоҳидов, Михаил Ардинов (МХХдаги лақаби – «Мишка Седой») ҳам қиради, уларнинг ўзбекистон мухолифат ва ҳуқуқ ҳимояси ҳаракатларини обрўсизлантиришда улкан ҳиссаси бор. Эслатиб ўтамиз, М.Зоҳидов 1979 йилдан бери Россия Федерал Ҳавфсизлик Хизматида ҳам ишлайди.

Марат Зоҳидовнинг режимга кўрсатган бебаҳо хизматларидан бири шуки, "ҳуқуқбон" никоби остида у обрўли Курьон мударрисларини (ҳам эркак ҳам аёллардан) МХХга тутиб беришга ёрдам берган. Турмаларда азоб тортаётган, кейинроқ қамок муддати яна узайтирилаётган ўнлаб эмас, балки юзлаб бегуноҳ мусулмонга у жавобгардир. Марат Зоҳидов бундай "давлат иши" дан бўш вақтларини сиёсий мухолифатга қарши ифлос пасквиллар ёзиш билан ўтказиши.



Ҳасанов Дадахон



Дадажонов Исмоил


Аксил-мухолиф курашининг "ветеран"лари ҳақида сўз бораркан, Исмоил Дадажонов (МХХдаги лақаби – "Ширак") ҳақида алоҳида тўхталиш зарур, у айни пайтда АҚШ МРБга ҳам ишлайди. У иккала тараф махсус хизматларига ихбор етказиб туради. Ва, албатта, у ўз аксил-мухолифат ишида ҳам МХХ, ҳам МРБдан топширик олади.

МХХ унга Европа Иттифоқи ҳудудидаги ўзбек мухожир мухолифатчиларининг яшаш жойи ҳақида, МРБ эса ўзбек мухолифатчилари орасидаги энг диндорлари ва ўзбек-америка ҳукуматларининг аксил-ислом сиёсатида қарши қуролли қаршилик тарафдорлари ҳақида маълумот етказишни топширган. Исмоил Дадажонов МРБга Ўзбекистондаги АҚШ элчисининг 1-котиби Жозеф Пресел тарафидан ёлланган.

Шуни ҳам айтишимиз лозимки, Исмоил Дадажонов нафақат мухолифат фаоллари, балки улар орасидаги ўз "имзоли" ҳаммаслари ҳақида ҳам кенг маълумотга эга. Хусусан, у МХХнинг қайси зобитлари Абдурахим Пўлатов, Васида Иноятова ва Пўлат Охунов каби имзоли бирликчиларга кураторлик қилиши ҳақидаги маълумотларга эга.

Юқоридаги рўйхатда Исмоил Дадажоновдан ташқари, ҳам МХХга, ҳам бошқа давлат махсус хизматларига ишловчи бошқа шахслар ҳам бор. Жумладан, журналистлар Валерий, Вилор ва Али Ниёзметов ҳамда Рустам Султонов айни пайтда Россия махсус хизматларига ҳам ишлайди.

Uzmetronom сайтнинг муҳаррири Сергей Ежков (МХХдаги лақаби – «Ёжик») бу соҳада ҳаммадан ошиб ўтди: у бир пайтнинг ўзида ҳам Ўзбекистон, ҳам Россия, ҳам Исроил махсус хизматларига ишлайди.



Ежков Сергей

Бу рўйхатга кирган бошқа журналистлар (Ризобек Обидов, Раҳматжон Кўлдошев, Юсуфжон Расулов, Алишер Сиддиқов, Абдурахмон Ташанов, Билолидин Ҳасанов) фақат Рустам Иноятов "Контора"сига ишлайди.



Обидов Ризобек



Жаҳонгир Маматов ва Юсуф Жумаев кабиларнинг ЎХХ ва унинг лидерида қаршиликка сабаб эса, бу кишиларнинг динсиз ва аксил-ислом

дунёкарашидадир. Бундан ташқари, бу икковлонда шоир, ҳудожўй, фаол мухолифатчи ва сиёсатчи ўлароқ М.Солиҳга ҳасад яққол кўриниб туради. Бундан ташқари, Ж.Маматов журналист сифатида ўзининг порахўрлиги билан кўпроқ танилган. Унинг товламачилигини, Ўзбекистондаги колхоз ва совхоз раҳбарларини қандай "шилганини" ҳозир ҳам жуда яхши эслашади.

Биз ўзбек мухолифатига қарши каримов-америка курашидаги "ветеран"лар ҳақида имкон қадар қисқа тўхталишга ҳаракат қилдик. Энди юқоридаги рўйхатдаги сохта мухолифатчилар орасидаги ёш кадрлар, ёш гвардиячилар ҳақида сўз юритмоқчимиз. Шундай қилиб...

«Имзолилар»нинг иккинчи тўлиқини

Бу турдаги сохта мухолифатчилар сафига асосан "имзолиларнинг" янги ва ёш авлоди қиради, улар нафақат реал мухолиф гуруҳлар ҳақида МХХга керак маълумот йиғади, шу билан бирга улар фаол мухолифларни таҳқирлаш, ҳамда Каримов диктатурасига қатнаш ҳавф солиши мумкин бўлган фаолларни жисмонан йўқ қилиш билан ҳам шуғулланади.

Ушбу бобнинг аввалида "мухолиф" никоби остида реал ўзбек мухолифатига қарши кураш олиб бораётган "ёш каримовчилар" фаолиятининг асосий қисмига тўхталиб ўтамиз. Уларнинг аксарияти мухолиф гуруҳларни бир-бирга қарши гиж-гижлашга, шунингдек, МХХнинг кўшни республикалар ҳудудидан ҳам маълумот йиғиш топширигини бажаради.

Масалан, ёш "имзоли"лардан Аббос Чиндавлатов узоқ вақтлар давомида ўзбек мухолифати ва ҳуқуқбонлари сафига сиғиб киришга уринди. Бироқ у, баъзи сабабларга кўра, бу ишни удалай олмади. Ва шунда Ўзбекистон МХХ уни бошқа соҳага ўтказди – Ўзбекистон чегарасига яқин тожик туман ва қишлоқларидан маълумот тўплашни топширди. Асосан Хўжанд шаҳри ва атрофидаги ҳудудларига қариндошларини зиёрат этиш баҳонасида бориб-келиб турган А.Чиндавлатов Каримов диктатурасига қарши норози кайфиятда бўлган этник ўзбеклар ҳақида маълумотлар йиғади.

Бундай кишиларни аниқлашда А.Чиндавлатов ўзининг қариндошлик алоқалари, шунингдек, халқ орасига "мухолифатчи" никоби кириш усулларида фойдаланади. Ўзбекистон махсус хизматларига бу каби маълумотлар керак албатта, уларнинг тахминига кўра, Тожикистоннинг бу ҳудудларидаги этник ўзбеклар Каримов ҳукуматида қарши курашда тожик ҳукуматида ҳамда ўзбек мухолифатига потенциал таянч бўла олади.

Айни турдаги ишни Киевда яшаётган ўзбек тадбиркори Анвар Эргашев бажариб келмоқда. У бу ерда энергетика ресурслари мутахассиси бўлиб ишлайди ва айни пайтда ўзбек МХХни ўзбекистонлик қочқинлар, диссидентлар борасида ихбор билан таъминлайди.

(Давоми кейинги саҳифада)

У.ҲАҚНАЗАРОВ: ЎЗБЕК МУХОЛИФАТИДАГИ “ИМЗОЛИЛАР” ҲАҚИДА

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

У аксил-муҳолиф фаолиятини Марат Зоҳидовнинг бевосита раҳбарлиги остида олиб боради.

Муҳолиф ниқоби остида ўзбек муҳолифига қарши курашаётган “ёш каримовчиларнинг” энг катта қисми ЕИ худудида яшайди. “Имзолилар”нинг бу гуруҳи 2005 йилги Андижон хунрезлигидан сўнг, кўплаб қочқинлар ЕИ бошпа-на ола бошлагач, Ғарбий Европа мамлакатларида ўрнашган.

Уларнинг аксил-муҳолиф курашининг спектри хилма-хилдир: фаол муҳолифлар ҳақида маълумот тўплаш, ижтимоий тармоқлар ва Интернет-форумларда ўзбек муҳолифати фаолларини мунтазам обрўсизлантириб бориш, Каримов режимига хавф туғдирадиган муҳолифларни жисмонан йўқ қилишга ёрдам кўрсатиш ва ҳ.к.

Жумладан, ижтимоий тармоқлар ва Интернет-форумларида Отабек Тошев таҳаллуси остида фаолият олиб бораётган Шухрат Бадалбоев, МХХ топшириғига кўра, ўзбек муҳолифати фаоллари ҳақида маълумот йиғади, ҳамда ўзбек муҳолифати лидерларини мунтазам обрўсизлантиришга уриниб келади.

Худди шундай иш билан яна бир Ўзбекистон МХХнинг “имзоли”си, 1983 йилда Ўзбекистоннинг Жиззах вилоятида туғилган Муҳаммадқулов Шавкат Абдумўминович



ҳам олиб боради. Бу сохта муҳолифатчи эса интернет форумлари ва ижтимоий тармоқларда Шавкат Муҳаммад таҳаллуси билан чиқади. Рустам Иноятлов “идораси” унга Муҳаммад Солиҳ ва бошқа ЎХХ аъзоларини муттасил қоралаш, ЎХХ ҳақида ёлғон тасаввурларни тарқатиш, бу сиёсий гуруҳни диний-экстремистик, террористик ташкилот сифатида кўрсатиш каби вазифаларни юклаган.

Бундан ташқари Шавкат Муҳаммадқуловга Ўзбекистон Миллий Хавфсизлик Хизмати янги “имзолилар”нинг муҳолифат орасига киришига, махсус хизматларнинг амалиётларига ҳалакит берувчиларга нисбатан жазо қўллаш ваколатини ҳам берган. 2012 йилда у ўзбекистонлик қочқин аёл Хуршида Жўрабевани қалтаклашни уюштирган. Бу аёл ўзбек махсус хизматлари уни “ёллаб” ЎХХ сафларига кириштиришга уринганлигини ошқо-ра эълон этгани учун ҳам бу “жазо”га лойиқ қўрилган. Қалтаклашдан икки кун ўтар-ўтмас, Ш.Муҳаммадқулов Х.Жўрабевега телефон қилади ва, ҳатто ўзини таништирадиган, сени ЎХХчилар қалтаклаган, дея бошлайди.

Шавкат Муҳаммадқуловнинг сўнгги мақсади эса қочқиндаги бу аёлни алдов йўли билан Ўзбекистонга, Каримов махсус хизматлари қўлига қайтариш эди.

Бунинг учун у Украинанинг Одесса

шаҳридаги ўзбек қочқинлари лагерига келади ва Х.Жўрабевани Ўзбекистонга қайтишга ундай бошлади. Унга ватанда ҳеч ким тегмаслигини ҳаводан олиб бўлса-да ваъда қилади. Шу билан бирга қочқин аёлга бу ёш “имзоли” шуни ҳам эслагади: “Сенинг ёш қизчанга ачинаман.

Ўзбек муҳолифати фаолларини мунтазам обрўсизлантириш билан, ҳозирда Францияда норасмий яшаб келаётган (13 Rue de Bassano 75016 Paris, France) Аҳмад Раҳмонов (1986 йилда Хоразм вилоятида туғилган) ҳам шуғулланади. У ижтимоий тармоқлар ва Интернет-форумларида Хурсанд Абдуллаев таҳаллуси билан чиқади. Сўнгги вақтларда Ўзбекистон МХХнинг бу “имзолиси” муҳолифатчи деган ниқобини ечиб, Каримов режими душманларига қарши очикча таҳдидга киришиб кетган.

Бу каби ва ўзбек муҳолифатига қарши кураш олиб бораётган “ёш каримовчи жангчилар” гуруҳига Шерзод Турдиев, Неъматжон Раҳматуллаев, Қаноатхон (Муштарий) Умурзоқова, Шахноза Хўжаева, Фаҳридин Кучқоров, Асилбек Сиддиқовларни ҳам қўшиш мумкин, улар туну-кун ижтимоий тармоқлар ҳамда Интернет-форумларни ўзбек муҳолифати фаолларига ва умуман ўзбек муҳолифатига қарши турли иғволар билан тўлдиришда давом этмоқда.

Бирок ҳақиқий ўзбек муҳолифатига хавф сола оладиганлар бу “имзолилар” эмас, бу сохта муҳолифатчилар “майда тош”лар ҳолос. Ўзбек муҳолифатига нисбатан энг катта таҳлика ташувчи, уни парчалашга ҳаракат қилувчи “имзолилар” эса, Каримовга қарши сохта гуруҳлар тузаётганлардир, уларнинг вазифаси “исломий экстремистлар” дея тамғаланганларни аниқлаб, кейинчалик уларнинг Ўзбекистон ёки бошқа давлат махсус хизматларига топшириб юборишга эришиш. Шундай қилиб...

Алишер АБДУЛЛАЕВ (Давид ЯКОБСОН)

Биз бу “имзолининг” шахсига батафсил тўхталмасликни маъқул кўрдик, зеро унинг Норвегияда камокка олиниши ортидан Интернет



саҳифаларидан кўпчилик етарли даражада маълумот олган деб ҳисоблаймиз.

Ўзбекистонлик собиқ милиционер Алишер Абдуллаев Норвегияга ўзбек махсус хизматларининг топшириғи билан келиб ўрнашган (унинг Ўзбекистон МХХдаги куратори – полковник Улуғбек Мирҳамидов). Аввалида унга ўзбек мигрантлари орасидан диний мутаассибларни аниқлаб, уларни бирор жиноятга гиж-гижлаш топшириғи берилганди. Аммо ўз исмини Давид Якобсонга ўзгартирган Алишер Абдуллаев бу топширикни уддалай олмади.

Чунки кўплаб ўзбек қочқинлар унинг тошкентлик собиқ милиционер эканлигидан шубҳалана бошлашди. Ўзининг милиционерлик ўтмиши билан у ўз ватандошлари ишончига сингиб қира олмади.

Шундан сўнг у ўз куратори Улуғбек Мирҳамидовдан янги топширик олади – бошқа мамлакатлардан келган мусулмонлар, айниқса араб мамлакатларидан келганлар орасига суқилиб кириш. Шунда у Норвегия фуқароси бўлган (этник уйғур) Микаэл Довуднинг ва ироклик этник курд Шавад Содик Саид Бўйноқларнинг ишончига қиради. Собиқ ўзбек милиционери уларга портловчи модда тайёрлаш ва уни Муҳаммад пайғамбар қарикатурасини чоп қилган Дания нашри таҳририятини портлатишни таклиф қилади.

Улар бунга розилик билдирганлари онда, Алишер Абдуллаев юзага келган ҳолат бўйича аввалига Норвегия махсус хизматларига, кейин эса – Ўзбекистон МХХга ихбор беради. Натижада, бу ишга шунчаки оғзаки рози бўлган уйғур Микаэль Довуд ва курд Шаван Содик Саид Бўйноқлар Норвегия суди ҳукми билан 7 ва 3,5 йиллик муддатга озодликдан маҳрум этилди.

Алишер Абдуллаев (Давид Якобсон) эса, яъни бу фитнанинг ташаббускори, ҳамда Норвегия дорихоналаридан ўз номига “перекись водорода” буюртирган шахс бор-йўғи тўрт ой муддатга (!!!) тутқунга ҳукм этилиб, бу муддатнинг у камокдалиқ вақтида тугагани вазидан озод этилди. Энди бу террористик гуруҳнинг асосий ташкилотчиси озодликда юрибди, бу ғояга шунчаки ўз розилигини билдирганлар эса Норвегия қамоқхонасида жазо муддатини ўтамоқда. Ўзбекистон ва Норвегия махсус хизматларининг топшириғи билан ишлаш маъна шундай бўлади!

Энди Ўзбекистон МХХ топшириғи билан диндор ўзбекларни аниқлаб уларни “диний-экстремистик ва террористик гуруҳлар”га жалб этиш билан шуғулланувчи яна бир “имзоли”га тўхталиб ўтамиз. Шундай қилиб...

Жамшид МУХТОРОВ

Биз бу “имзолининг” шахси ҳақида ҳам батафсил маълумот келтириб ўтирмаймиз. Сабаби, бу шахс борасида ҳам Интернет саҳифаларида унинг 2012 йилнинг 21 январь кунда Чикаго аэропортида радикал-экстремистик ташкилотларга алоқадорликда айбланиб, қўлга олингани тарихи етарлича ёритилган ва кўпчилики бу ҳақда маълумотга эга. Биз ўқувчиларимизга бу сохта муҳолифатчи ҳақида янги маълумотларни тақдим этамиз.

Жамшид Мухторов “имзолиларнинг” кекса авлодидан бўлмиш Василя Иноятова томонидан бошқариладиган «Эзгулик» сохта инсон ҳуқуқлари жамиятидан чиқган.

(Давоми кейинги саҳифада)



У.ҲАҚНАЗАРОВ: ЎЗБЕК МУХОЛИФАТИДАГИ “ИМЗОЛИЛАР” ҲАҚИДА

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Ж.Мухторов 2003-2005 йилларда шу ташкилотнинг Жиззах вилояти бўлимини бошқарган. 2005 йилнинг кузида, Андижон фожасидан тўрт ой (!!!) ўтиб, у МХХнинг Жиззах вилоят бошқармаси топшириғи билан Қирғизистонга сиёсий бошпана олиш учун чиқиб кетади ва 2007 йилда АҚШ дан бошпана олади.

Жамшид Мухторов ҳамма вақт ўзини Ўзбекистон ва Америка сиёсатига қарши қуролли жиход тарафдори сифатида кўрсатиб келарди. Масалан, у ўзини гўёки Ўзбекистон Исломий Ҳаракатининг эмиссари, Усома бин Лоданнинг издоши экани билан мақтанишни хуш кўрарди. Айнан шу усул билан у муслмонларнинг ишончига кириб олишга интилган.

Хусусан, БМТдан бошпана изловчи мақоми билан Қирғизистонда яшаётган кезларда, у Қирғизистоннинг Қорасув шаҳрида яшовчи ўзбек имоми Муҳаммадрафиқ Камоловга (Рафиқ кори) суиқасда иштирок этган ташкилотчилардан бири бўлган. Ажабланишли томони шундаки, ўзбек махсус хизматлари Рафиқ корини отишларидан илгарироқ, унинг олдида Жамшид Мухторов ташриф буюрган. Бу ташриф давомида бу “имзоли” бир неча бор ўзини Тохир Йўлдошевнинг (УИХ лидери) одами эканлигини таъкидлаган.

Бундан ташқари 2006 йилнинг ёзида у ўзбек махсус хизматларининг Қирғизистон жанубида “Эрк” демократик партиясининг Андижон вилояти бўлими раиси Исроилжон Холдоровнинг ўғирлаб кетилиши махфий амалиётида ҳам иштирок этган. И.Холдоров ўзбек чекистлари томонидан Жамшид Мухторов томонидан берилган ихбор туфайли ўғирлаб кетилиб, МХХнинг Андижон вилоят бошқармаси СИЗОсига етказилган. У шунингдек Баҳодир Содиқов, Фаёз Мирзахалилов, Сайдулло Шокиров каби ўшда қочқинлик мандатини кутаётган ўзбекистонлик қочқинларнинг ҳам ўғирлаб кетилишида фаол ёрдам кўрсатган.

Жамшид Мухторовнинг нафақат радикал исломий оқимларга, ҳаттоки Ислом динига ҳам мутлақо алоқаси йўқ. Бунинг исботи шуки, у Жиззахда ака-укалари Хуршид ва Асилбек Мухторовлар билан бирга арок-шароб махсулотларини ноқонуний ишлаб чиқарилиши ҳамда савдоси билан ҳам машғул бўлган. Унинг исломга зид ва жиноий бундай бизнесини Жиззах вилоят ИИБнинг юқори лавозимли раҳбарлари “кўриқлаб” келган.

Жумладан, 2004 йил баҳорида Жамшид Мухторов “Эзулик” инсон ҳуқуқлари жамиятининг Жиззах вилоят бўлимини бошқарди. Унинг ноқонуний арок-шароб ишлаб чиқарувчи махфий цехини расмий фош этиш ва жиноят иши кўзгатиш учун у ерга вилоят солиқ бошқармаси вакиллари бостириб келишди. Бу рейдда солиқчилар 55 литр этил спирт, 100дан ортиқ шиша кўлбола арок махсулоти, акциз маркалари, 870 минг сўм нақд пул ва 7000 дан зиёд АҚШ доллар топилди.

Бироқ солиқ инспекцияси хизматчилари бу ашёвий далилларни расмийлаштиришга, ҳаттоки бу ўтказилган рейд юзасидан жиноий иш кўзгатишга ҳам улгуришмайди. Воқеа жойига зудлик билан Жиззах вилоят Ички Ишлар Бошқармасининг терроризмга қарши кураш бўлими бошлиғи Зоир Шарипов етиб келади ва солиқчиларни Жамшид Мухторов уйдан даф бўлишни талаб қилади.


Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, 2007 йил охирида, яъни Жамшид Мухторовнинг АҚШга келиб ўрнашганидан сўнг, бу ерга айнан ўша Зоир Шарипов ҳам келади. Жиззах вилоят ИИБнинг терроризмга қарши кураш бўлими раҳбари Жамшид Мухторов билан токи бу сохта мужоҳиднинг 2012 йилнинг 21 январь куни Чикаго аэропортида қамокқа олингунига қадар доимий алоқада бўлади. Бу ҳодисадан бир ой ўтиб, Зоир Шарипов Ўзбекистонга қайтади ва Жиззах вилоят ИИБнинг терроризмга қарши кураш бўлими бошлиғи вазифасини давом эттира бошлади.

Нима учун МХХнинг Жамшид Мухторовни Афғонистон ва Покистондаги исломий жангарилар орасига киритиш режаси амалга ошмай қолди? Гап шундаки, бу “имзоли” ўзининг “мужоҳид” ролини оширворган эди. У бу ролга шунчалар киришиб кетгани, Интернетда Америка кофирларига қарши муқаддас уруш ҳақида шунчалар кўп ёзганидан, ҳозир АҚШ МРБ Жамшид Мухторовнинг рост гапларига ҳам, ҳаттоки ўзбек махсус хизматларининг “имзоли” хизматчиси эканлиги ҳақидаги МХХнинг расмий мурожаатларига ҳам ишониши қийин.

Ҳозир нафақат Ўзбекистон МХХ, балки АҚШ МРБ ҳам Жамшид Мухторовни АҚШ судидан қандай қилиб, шов-шувсиз чиқариб олиш ҳақида бош қотирмоқда.

Жамшид Мухторовнинг Туркияда яшаётган укаси ҳам ўзини радикал исломчи қилиб кўрсатишда ҳаддан ортиқ тиришқоқлик кўрсатиб юборди.

Шундай қилиб....



Хуршид МУХТОРОВ
Бугунги кунда Хуршид Мухторов Истанбулда яшайди. Ижтимоий тармоқлар ва Интернет-форумларда одатда Abu Bakr Nujahan тахаллуси билан иштирок этади.

2009 йил АҚШдан бошпана сўраб қилган мурожаатига рад жавобини олади. 2010 йилда эса Канада ҳам унинг худди шундай мурожаатини рад қилади. Бу рад жавобларнинг сабаби, Хуршид Мухторовнинг 1998 йилдан 2004 йилгача Ўзбекистон МХХнинг чегара кўшиқларида хизмат қилгани билан боғлиқ. Шунингдек, у 2000 йилдан 2004 йилгача Термизда взвод командири муовини вазифасида ҳам ишлаган.

Хуршид Мухторов, худди ўзининг акаси Жамшид Мухторов каби нафақат

исломий диний-радикал оқимларга, балки Ислом динига ҳам ҳеч қандай алоқаси йўқ шахсдир. Бунинг исботи шунда ҳам кўринадики, у ўз ака-укалари Жамшид ва Асилбек Мухторовлар билан, юқорида батафсил айтилганидек, ноқонуний арок-шароб ишлаб чиқариш ва савдоси билан шуғулланган.

Бундан ташқари, жисмонан бақувват Хуршид Мухторов Муайтай кураш санъатини ҳам ўзлаштирганидан, Тошкентда бир неча маҳаллий тадбиркорларга уюштирилган режкетларда ҳам қатнашиб келган.

Ажабланишли томони, Хуршид Мухторов Қозоғистон ҳудудига паспортсиз ва ноқонуний йўллар билан кирган бўлса-да, Олма-отадаги миграция полициясининг тергов изоляторидан ҳеч бир маъмурий жавобгарликсиз озод этилгандир. У онаси Робия Мухторова унинг фуқаролик паспортини Олма-ота миграция полициясига олиб келиб берганидан сўнггина озод қилинган.

Яна-да қизиқарли томони, Хуршид Мухторовнинг Олма-отадан Истанбулга бирор Ўзбекистоннинг ОВИР чиқиш визасисиз учиб кетиши бўлди. Боз устига, у қандайдир «мўъжизавий тарзда» БМТ қочқинлар комиссариатининг Анкарадаги офиси тарафидан Ғазиятепдаги лагерга мажбурий юборилишдан ҳам қутулиб қолган. Ўзининг Туркия иш сафарининг бошиданок, у кўплаб ўзбек мухожирлари, диссидентлар ва реал мухолифатчилар яшаб келатган Истанбул шаҳрини тарқ этишни ҳаёлига ҳам келтиргани йўқ. Ва қанчалик ғалати бўлмасин, бу ишни уйдalayпти.

Энди эса Ўзбекистон МХХнинг топшириғи билан Европа мамлакатларида яшайдиган диндор ўзбекларнинг яшаш манзилларини излаб, уларга нисбатан суиқасдларда ташкилотчилик қилиб келган яна бир “имзолининг” шахсига тўхталамиз.

Умар ҲАСАНОВ

Ҳасанов Умар Исомиддинович, 28.02.1981 йилда туғилган, миллати ўзбек, Қирғизистоннинг Ўш вилояти Ўзган шаҳридан. Умар Ҳасанов таниқли ўзбек имоми Обидхон кори Назаровга суиқасд қилган Юрий Жуковскийнинг жиноий шеригидир.

Умар Ҳасанов Даниядан ўзбек махсус хизматларининг топшириғига биноан гўё баъзи ўзбек диссидентлари билан тижорий лойиҳаларни амалга ошириш учун 2012 йилнинг 12 февраль куни Стокгольмга учиб келади. Қизғини шундаки, у ҳам ёлланма котил Юрий Жуковский каби Данияга Москвадан туристик виза ва путёвка билан келган.

Уни Стокгольмда ўзбек махсус хизматининг бошқа “имзолиси” Анвар Каримов кутиб олади (у “Бирлик” ҳаракатининг таниқли вакили Олим Каримовнинг неварасидир). Швецияга келиши билан Умар Ҳасанов ўзининг тижорий лойиҳаларини йиғиштириб қўяди ва ўзбек мухожирларидан Обидхон кори Назаровнинг яшаш жойи ҳақида маълумот тўплай бошлайди.

(Давоми кейинги саҳифада)

У.ҲАҚНАЗАРОВ: ЎЗБЕК МУХОЛИФАТИДАГИ “ИМЗОЛИЛАР” ҲАҚИДА

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

У бир неча марта имом ва унинг укаси Абдумалик Назаров билан учрашишга уринади. Обидхон қори у билан учрашишни истамайди, аммо укаси у билан учрашади ва тахминан уч соат суҳбатлашади.

2012 йилнинг 19 февраль кунини у Стокгольмдан Москвага учи кетади. Стокгольм аэропортида уни яна Анвар Каримов кузатиб кўяди. Бундан уч кун ўтиб Обидхон қори Назаровга суиқасд қилинади.

Бу йил Умар Ҳасанов ўзбек махсус хизматларининг топшириғи билан яна Швецияга борган. Бу гал у Стокгольмга гўё ўзбек диссидентни Дўстназар Худойназаров билан ҳамкорликда тижорат қилиш учун келади. Аммо келганининг иккинчи куниданок, Кальмар шаҳрида яшайдиган Абдуллатиф (Тоҳир) қорининг яшаш жойи билан қизиқа бошлайди.

Лекин Дўстназар Худойназаров унинг бу талабини рад қилгани учун ўзбек махсус хизматига зарур бўлган маълумотларни қўлга кирита олмайди. Қизиғи шундаки, Умар Ҳасанов сохта рус-швед кўшма корхонасини очиш учун хозирланган ўзига тегишли барча ҳужжатларда ва паспорти нусхаларда ўзининг расмларини яширган.

Энди бошқа “имзоли”нинг аксилмухолифат ва жиноий ишларига тўхталайлик. Шундай қилиб...



Анвар КАРИМОВ
Анвар Каримов – таниқли инсон ҳуқуқлари химоячиси Гавҳар Орипованинг (Каримова) ўғли ва “Бирлик” ҳаракати асосчиларидан Олим Каримовнинг невараси.

Бир пайтнинг ўзига у Ўзбекистон МХХ, Россия ФСБ ва Швециянинг SÄPO махсус хизматлари учун ишлайди. У ўзбек мухолифати сафларига 2003 йилда МХХ ва шахсан Олим Каримовнинг сайъ-ҳаракатлари билан киритилган эди.

Гап шундаки, Анвар Каримов 2002 йилда бобоси Олим Каримовдан неварасининг Норвегияда жойлашиб олиши учун “Эрк” партияси раиси Муҳаммад Солихга хат ёзиб беришини талаб қилади. Қизиғи шундаки, соддадил Олим Каримов узок вақт бундай мактубни ёзишни истамайди. Чунки у неварасини ўз партиядоши Абдурахим Пўлатов ёнига юбормоқчи бўлганди.

Фақат Рустам Иноятов идорасининг махсус топшириғи билан иш олиб борган Анвар Каримов АҚШда яшаётган Абдурахим Пўлатовнинг ёнига боришни қатъий рад қилади ва бобосидан Муҳаммад Солихга хат ёзиб беришини сўрайди. Шундан кейин ҳеч нарсадан беҳабар Олим Каримов неварасининг Норвегияда жойлашиб олишига ёрдам беришини сўраб, Муҳаммад Солихга хат ёзади.

Норвегияга келган илк йилларида Анвар Каримов жуда эҳтиёткорлик би-

лан ҳаракат қилади ва ўзининг “имзоли” эканлигини сир тутати. Унинг аксилмухолиф фаолияти 2005 йилдаги Андижон воқеаларидан кейин, Норвегияга Ўзбекистондан қочқинлар ва диссидентлар кела бошлагач, кескин суръатда жадаллашади.

Бу вақтда Анвар Каримов ўзбек мухолифатини, айниқса “Эрк” партияси лидери Муҳаммад Солихни обрўсизлантириш учун кенг фаолият олиб боради. Бу аксилмухолиф ишда у эски “имзолилар” Абдурахим Пўлатов, Василя Иноятова ва Пўлат Охуновлар билан ҳамкорлик қилади.

Анвар Каримов “Бирлик”даги эски сохта мухолифатчилар билан биргалашиб, Каримов диктатурасини ҳар қандай танқиддан очикча химоя қилишга ўтади. Масалан, 2006-2007 йилларда Анвар Каримов, Пўлат Охунов ва Василя Иноятова халқроқ ташкилотлар ва Европарламент депутатлари билан учрашувларда ўзбек мухолифати сифатида ошқор ва тинимсиз равишда Андижон қатлиомидан кейин Каримов режимига қарши санкцияларни бекор қилишни талаб қиладилар.

2007 йилда Анвар Каримов чўнтагида сиёсий қочқоқларга бериладиган сафар ҳужжати (травел-документ) билан Киевга учати. У ерда Исмоил Дадажонов билан учрашгандан кейин бир неча кунга Москвага боради, у ердан эса тўппатўғри Тошкентга учати. Яна сиёсий қочқоқларга бериладиган сафар ҳужжати билан! (Шунингдек, чўнтагига “травел-документ” солиб, Ўзбекистонга қатновчи “қочқин мухолифлар” Баҳодир Чориев, Пўлат Охунов ёки Исмаил Хушевнинг сафарлари ҳам таажжублидир. Гулдасталар билан, эмин-эркин, ҳеч қандай тўсиқсиз уларни Тошкент аэропортида кутиб олишади, худди бу шахслар давлатнинг бирор қийин вазифасини амалга ошириб, қайтаётгандай).

Анвар Каримовнинг диктатор Каримов тарафдорлигига яна бир далил шуки, у таниқли ўзбек инсон ҳуқуқлари химоячиси, “Оналар ўлим жазосига қарши” ташкилотининг аъзоси Дилобар Худойбергановага уйланишидан кейин, у аёлига инсон ҳуқуқлари билан шуғулланишни ва матбуотда Каримов режимини танқид этишни таъқиқлаб қўяди. Унинг яхшигина бир оиланинг кизи ва инсон ҳуқуқлари химоячиси Дилобар Худойбергановага уйланиши ҳам аслида ўз шоввозини Европага юборишга тайёрланаётган МХХнинг “оқ фотихаси” билан бўлганди.

Чунки Дилобар Худойберганова инсон ҳуқуқлари химоячиси сифатида ўзбек махсус хизматларининг янги агентини учун яхшигина никоҳ ҳам саналарди.

МХХ дастури билан ҳаракат қилаётган Анвар Каримов аёлига акаси Искандар Худойбергановнинг умрбод камок жазосини ўтаётгани ва агар у эрига итоат қилмаса камокда “тўсатдан” ўлиб қолиши мумкинлигини эслатиб туришини ҳам қанда қилмайди.

2008 йилда Анвар Каримов Дилобар Худойберганова билан теле-

фонда гаплашган деган гумон билан, Ўзбекистонда бир ёш йигитни пичоклайди ва тўрт йилга камокка ҳукм қилинади.

2009 йилда эса ўзбек махсус хизматлари унга турмадан “қочишга” ёрдам берадилар! Ва у бир неча кун ичида Қирғизистоннинг пойтахти Бишкекда пайдо бўлади! Кейин яна қандайдир йўллар билан энди Швециядан сиёсий бошпана олади ва бу ерда аксилмухолифатчи Ризобек Обидов, Жаҳонгир Маматов, Юсуфжон Расулов, Шавкат Муҳаммадқуловлар билан бирга ўзбек мухолифатини обрўсизлантириш ишига боши билан шўнғиб кетади.

Бирок Анвар Каримов бу ишда Рустам Иноятов кнторасининг жиддийроқ топшириқларини ҳам бажариб юради. Юқорида айтганимиздек, у 2012 йили таниқли имом Обидхон Қори Назаровга суиқасдда бевоқифа иштирок этган, қотил Юрий Жуковскийнинг шериги Умар Ҳасановни Стокгольм аэропортида кутиб олган ва кузатиб қўйган.

А.Каримов Швеция полициясининг назарига 2012 йил, аёли Дилобар Худойбергановани қалтақлаганидан кейин тушиб қолади. Полиция унинг уйида тинтув ўтказди ва унинг компютерига “Ўзбекистон Миллий Хавфсизлик Хизмати тарафидан бартараф этиш лозим бўлган шахслар рўйхати”ни топади. А.Каримов шундан кейин бир муддат камокка ташланади ва Швециядан чиқмаслик тилхати билан озод қилинади. Аммо 2013 йилнинг февраль ойида Анвар Каримов Швециядан Ўзбекистонга қочади.

А.Каримов яна Ўзбекистонга, жонажон МХХ қучоғига қайтиб келди. Жамоатчилик фикрини чалғитиш учун МХХ топшириғи билан “Анвар Каримов 2013 йилнинг январда Стокгольмдан Сконе вилоятига борадиган Е4 трассада автомобиль ҳалокатига учради...” деган чўпчакни тўкиб чиқаради.

Ким билади дейсиз, Анвар Каримов Швециядан қайтмаганида, яна кимларга қарши суиқасдда иштирок этган бўларди? Ахир унга “бартараф этишга маҳкум шахслар рўйхати” берилган. Шундай қилиб...

Бартараф этишга маҳкум шахслар

Барча ғайриинсоний режимлар каби Каримов диктатураси ҳам ўз умрини мамлакат ичидаги мухолифларни қатағон қилиш ва хориждаги мухолифларни йўқотиш билан узайтиришни мақсад қилади.

Шу ўринда ўзбек ва хорижий жамоатчилик эътиборига Каримов режими тарафидан тузилган бу “Қора рўйхат”ни ҳавола қиламиз. Ўзбекистондаги диктатурага қарши фаол курашаётганлар бу шахслар ҳақида “бартараф этиш” ҳукми чиқарилган бўлиб, бу рўйхат доимо тўлдирилиб, янгиларнинг пайдо бўлиши ёки эскиларнинг фаоллашувига кўра янгилашиб турилади. Қуйидаги рўйхат 2011 йил 31 декабрига тааллуқлидир.

(Давоми кейинги саҳифада)

У.ҲАҚНАЗАРОВ: ЎЗБЕК МУХОЛИФАТИДАГИ “ИМЗОЛИЛАР” ҲАҚИДА

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Ўзбекистон МХХ тарафидан баргараф этиш лозим бўлган шахслар

РҲЙХАТИ

Абидов Ядгар,
Абутов Муҳаммадсалих,
Андерсен Майкл (Andersen Michael),
Атаева Надежда,
Атаматов Шамсиддин,
Ахмаджонов Шухрат,
Бабадажанов Кудрат,
Бабаджанов Шухрат,
Бабаджанов Хурмат,
Бабаджанова Мариям,
Бекжанов Максудбек,
Бенсман Маркус (Bensmann Markus),
Бухарбаева Галима,
Джемаль Гейдар,
Караев Тулкин,
Мюррей Крейг (Murray Craig),
Нармунинов Номоз,
Назаров Обидхон (кори),
Назаров Абдумалик,
Салих Муҳаммад,
Салих Тимур,
Таджибаева Мутабар,
Хайдаров Улугбек,
Хидоятлова Нигора,
Худайкулов Фахриддин,
Шевченко Максим,
Юлдашев Камалиддин,
Якубов Талиб.
Ушбу рўйхатдан кўринадики, Кари-

мов режими нафақат ўз ватандошларини, балки хорижий давлат фуқароларини ҳам йўқотишга ҳукм қилган. Ҳа, диктатуранинг ўз муҳолифларининг на миллий, на диний ва на бошқа хусусиятлари қизиқтиради. Уни фақат ўз душманларини таъкиб этиш ва йўқ қилиш қизиқтиради. Шундай қилиб...

Хулоса

Биз бу маълумотларни ўзбек муҳолифати сафларига махсус хизматлар тарафидан киритилган шахслар ҳақида огоҳлантириш мақсадида тақдим этдик. Умид қиламизки, муҳолифат аъзолари бундан кейин кадрлар танлашда ва ўз сафларини кенгайтиришда эҳтиёт бўлиб ҳаракат қиладилар. Яна умид қиламизки, “Ўзбекистон Миллий Хавфсизлик Хизмати тарафидан баргараф этилиши лозим бўлган шахслар рўйхати”га кирганлар ўз хавфсизлигини таъминлаш учун зарурий тадбирларни кўрадилар.

Шу муносабат билан биз муҳтамак “имзолилар” ва шубҳали инсонларни таниб олиш масаласида ўз тавсияларимизни ҳам айтмоқчимиз:

Биринчи навбатда, сиз билан танишишни истаётган киши авваллари Каримов режимига қарши курашганми-йўқми, шунга эътибор қаратинг.

Иккинчидан, бундай кимсаларнинг оиласи, қариндош-уруғлари, мол-мулки ҳақида кўпроқ маълумотга эга бўлишга ҳаракат қилинг.

Учинчидан, бундай кишининг

дунёқарашини (либерал, атеист, исломий) ўрганишга урининг.

Тўртинчидан, агар имкони бўлса, ўз ҳаракатингизга тажрибали ва эски аъзоларнинг оғзаки ёки ёзма тавсияси билан янги аъзолар қабул қилиш жараёнини йўлга қўйинг.

Ва ниҳоят бешинчидан, агар имкон бўлса, ўз ҳаракатингизда аъзоларнинг ўзаро муносабатларида уларнинг бир-бирларига иттифоқ тизими, субординацияни йўлга қўйинг.

Агар сиз бу тавсияларимизни қабул қилдингиз ва уларга қатъий амал қилдингиз бўлсангиз, аввало ўз ҳаракатингизни “имзолилар”дан ҳимоялаган, қолаверса Каримов режимига қарши ташкилланган ва тартибли кураш томон одим отган бўласиз. Чунки диктатуранинг ағдариш учун фақат шунчаки истак ва ҳаракатнинг ўзи кифоя қилмайди. Бунинг учун қатъий тартиб ва интизом ҳам шартдир.

Усмон Ҳақназаров
сиёсатшунос

Рус тилидан таржима
P.S.

МХХ рўйхати рус тилида бўлгани боис, ундаги фамилияларни айнан беришга қарор қилинди.

Мақола мазмуни учун УХХ сайти тахририяти масъул эмас.

ИСЛОМШУНОС ОЛИМ ГУГУШАГА МУВАШШАҲ ЁЗГАЧ

“Озодлик” радиосининг анча олдин эшиттирилганларида бирида Тошкентдаги Ёшлар саройида Бобур таваллудининг 530 йиллигига бағишланган шеърят кечаси ҳақида хабар берилган эди. Кечада бугуннинг суперталантли аёли, сиёсатчи ва шоира, отасидан кейин президентликка даъвогар Гулнора Каримова ўзининг “Қуёш бўшатиши керак ойга ўрнини” шеърини ўқиди. Шеър шубҳасиз кўпчиликни ҳаяжонга солганлиги айтади. Мана ўша шеър:

Қалб торлари таранг,
Шовқинли тўлқин,
Сўнгиди ой акси фақат.
Бир кун каби битта бу умр...
Товланади улар оловдай.
Дунёнинг товуши келар,
Баъзида у жуда ҳам кучсиз.
Баъзида “тингла” деб уйғотар,
Ер юзига парда тортилар.
Минорадан таралар овоз, аммо...
Яна азалий ҳолат
Қуёш ҳам ботар,

Бўшатиш керак ойга ўрнини.
Хабарда яна Ўзбекистон Исломи университети домласи диншунос олим Саидабзал Саиджалолов Гулнора Каримовага аталган мувашшаҳ-шеърини заррин рамкага солинган ҳолда тақдим қилганлиги айтилган эди. Бу воқеа кейин ҳам Исломи университети ва институти талабалари ва бошқа қизиқувчилар

орасида анча шов-шувга сабаб бўлди. Мана ўша қирқ ёшлик Саидабзал домла ёзган мувашшаҳ:

Гулнора Каримовага

Гўзалликка мудом ошно бўлибсиз,
Умидбахш нигоҳдан кўнгиллар масрур.
Латофат-ла муҳаббатга тўлибсиз,
Ноёб эҳсонингиз ҳаммага манзур.
Оромбахш сўзингиз ҳар дардга дармон.
Раҳмат дарёсидан бўлинг баҳраманд
Асло дилингизда қолмасин армон.
Мувашшаҳдан таъсиранган талабалар орасида шоиртабиатлари ҳам бор эканми, Гулнорага ва Саидабзал домлага қуйидаги мувашшаҳларини бағишлабди. Уларнинг илтимосларига кўра исмларини келтирмадик.

Уқувчидан Гулнора хонимга:

Гўри чорлаб турган қотил сиёсат
Ур тўқмоқ садоси қатағонга жўр.
Лаънатга учраган қавмлар каби
Ножинс аҳли ичра доврўфингиз зўр!
Олам шайтанатин йиғиб ватанга,
Ранжитиб миллатни базм қурарсиз,
Албат энг баланд дор сизни кутмоқда...
Уқувчидан САИДАБЗАЛ домлага:
Сайид зоти тоғутларни дўст тутса,
Алиф бир сирр, “қоф ва нун” дир кифоя.
Илм-у урфонлари чиқиб саробга,
Дарбадар кезгайми аросат аро.
Аҳли илм лаин қўлини олса,
Бадалин ҳар ишнинг бергайдир Аллоҳ,
Заррин тўнлар ўтга айланса не тонг,

Алмийсоқ ваъдаси эслатилган чоғ.
Лаҳадлар боғ кимга, кимгадир моргоҳ...

ЎХХ мухлиси йўллаган Тошкентдан

P.S. Бундан бир муддат аввал Гугушанинг отасига атаб Камалиддин Йўлдош ҳам бир мувашшаҳ чоп этган эди:

Дода васияти

Иблис – отам, онам, пирим, йўлчи
юлдузим
Сатанизм – диним менинг – энг яхши
тузум.
Лақма халқ ечолмайдир асло сиримни
Оқсароймас, Оқ уйдадир менинг илди-
зим.
Махфий хизматим мукамал – топ-
маслар изим,
Киллер юбордим бирига – иш битди
бир зум.
Анқов судни алдаб-сулдаб, бир амал-
ладик.
Роса аврадик. Айбашга топмади
жазм.
Интилган борми тахтимга? Тингласин сўзим:
Мен ўлсам, қувонманг хали, бошла-
манг базм –
Оқсарой тўрини дарҳол эгаллар
Иблис,
Ва иблисга никоҳланган иккала қизим.
kamoliddinyoldash.blogspot.com

ФИБРИЛ КОНВУЛСИЯЛАР (ФК)

Эпилепсия (Тутқанок)

Инсон миясида миллиардлаб хужайра мавжуд. Тананинг барча фаолиятларини бу хужайралар бошқаради. Хужайралар бир-бирларига энгил электромагнетик тўлқини шақлида сигналлар юборишади.

Эпилепсия касаллигида хужайралардан баъзилари анормал ўлчамда энергия тўлқини чиқаради ва атрофидаги хужайраларни таъсир остига олиб, турли типда хуружларга сабаб бўлади.

Эпилепсия хуруж (приступ)лари турли шаклларда содир бўлади: оний безовталиқ, кўркув, паришонхотирлик, ўз ўзидан гапириш, кичкириш ёки қушиш, қиска муддатли хушдан кетиш каби оддий хуруж(приступ)лардан, хотира йўқотиш, кўл ва оёқларда тортишиш, оғиздан кўпик келиши ва сийдик қочишигача кузатилиши мумкин.

Эпилепсияга олиб борадиган баъзи сабаблар:

Миянинг туғишдан кейинги тузилишининг хусусиятлари;

Мияда қаттарган, томирларни сиқиб қон айланиши ва электромагнетик тўлқинни бузган шишлар;

Мия жароҳлигидан кейин юзага келган қон айланиши ва электромагнетик тўлқинлар бузилишлари;

Мия томирларига қон келишини тўсган бузилиш ва торайишлар;

Озиқланиш бузилишлари, ҳазмсизлик ва ошқозон касалликлари сабабли чиққан тиккинлар ва шу боисдан болаликда ўтказилган конвулсиялар.

Ўт пуфаги, жигар, талоқ, сийдик йўллари ва ошқозон касалликлари эпилепсия хуружларини кўзгатувчилардан ҳисобланади. («Конвулсиялар» бўлимига қаранг.)

Даволаш

Эпилепсиянинг умумий давоси «Конвулсиялар» давосидек. Йлова сифатида 3 кунлик очликлар тугагандан 1 ой кейин 10 кунлик очлик қилинади. Баъзи ҳолларда 10 кунлик очликни бир неча марта такрорлаш керак.


Эпилепсия давосида ўсимлик дорилари: Зуптурум, Баргизуб (*Plantago lanceolata*): Ҳар баҳор янги япроқлари таомга қўшилади. Қишда ҳар кун 1 чой қошиқ майдаланган қуруқ баргизуб 40 кун давомида сув билан ичилади;

Бешбарг (Ҳозпанжа, ерчай) ўти: Барглари эзилиб, ҳар кун 1/2 чой қошиқ сув ёки асал шарбати билан 30 кун ичилади;

Зарпечак, Девпечак (*Cuscuta epithimum*): кунда 7-14 грамм зарпечак ўти, лаванда ва асал шарбати билан ичилади. Бу жараён 4 ойда бир марта 2 ҳафталик курслар ҳолида қўлланади; Кашнич ўти (уруғи ҳам бўлади): Таом билан бирга ейилса, ҳазм тизимида овқатларнинг бузилишида чиққан ва эпилепсия кризисига сабаб бўлган токсинларни нейтраллаштиради;

Бўтакўз: Янги майдаланган 6 гр бўтакўз гули приступдан аввал асал шарбати билан ичилса, эпилепсия приступларини олдини олади. Бу жараён 6 ойда бир марта 2 ҳафталик курслар ҳолида қўлланади. Бўтакўз (Кантарон) жуда кучли бўлгани учун доим ишлатилмайди.

Прополис (асалари елими): Чайналса, миядан токсинларни чиқариб приступларни олдини олади. Денгиз пиёзи, орол пиёзи (*Urgenia maritima*): Бир дона денгиз пиёзи майдалаб тўғралади ва 500 гр сув билан паст оловда 3 дақиқа қайнатилади. Совуганидан



Ҳам бурунга тортиладиган, ҳам ичиладиган ўсимлик дорилари

Тогтерак, Ансол: уруғлари ва пахтачалари майдаланиб эланади ва 30 кун бурунга тортилади. Айни пайтда ҳар кун 1 чой қошиқ сув билан ичилади. Бундан ташқари дарахт сақичи сувда эритилиб ёки майдаланиб бурунга тортилади;

Кардамон: Майдаланиб эланади ва бурунга тортилади;

Прополис + далачай суви: Прополис, далачай суви билан эритилиб бурунга тортилади;

Ливан кедри: янги сақич сувда эритилиб бурунга тортилади. Мевалари ёки барглари майдаланиб кунда бир чой қошиқ ютилади;

Асафетида (*Ferula assa-foetida*): Қуруқ сақичи майдаланиб қукуни бурунга тортилади ёки 1/3 чой қошиқ сув билан ичилади, ёки эритилиб бошга сурилади;

Сигиркуйрук (*Verbascum*): Илдизлари ёки барглари сиқиб бурунга тортилади ёки барглари қуқун ҳолига келтирилиб, эрталаб-кечқурун 1 чой қошиқ ютилади;

Далачай (*Oreganum majorana*): Суви бурунга тортилади ёки барглари қуқун ҳолида эрта-кеч 1/2 чой қошиқ ютилади;

Дарахт замбуруғи (кўзқорини) (*Polypogon officinalis*): Янги кўзқорин суви бурунга тортилади ёки қуриган кўзқорин 2 ҳафта давомида ҳар кун 1/2 чой қошиқ эрта-кеч сув билан ичилади. Оқ ва осон майдаланган кўзқорин энг яхшисидир.

Қончўп (*Chelidonium majus*): суви бурунга тортилса ёки бурун ичи намланса, мияда тўпланган қондиқларнинг қуюқ ҳолда оқшини таъминлайди. Ойда бир-икки ишлатилади.

Куйидаги аччиқ қовун суви давоси йилда бир марта қилинади:

Бир миқдор аччиқ қовун суви + бир миқдор сув ёки сут аралашмаси ховучдан бурун ичигача тортилади. 3-4 сониядан кейин ташланади. 2-4 соат кейин аксириш ва қаттиқ бурун оқиши бошланади. Оқиш 1-2 кун давом этиши мумкин.

Бир ҳафта ўтиб: Бир миқдор аччиқ қовун суви, бир миқдор зайтун ёғи билан аралаштирилади ва бодомсимон безларига сурилади. Бу жараён синуслардан ва миядан ялғил ва балғамни кўчиради. Бурун оқшини кўпайтириб, мияни тозалайди.

Бир ҳафта ўтиб: Аччиқ қовун барги суви, ёки сув билан яримга-ярим аралаштирилган аччиқ қовун суви сузилиб, қулоқларга 1-2 томчи томизилади. Қулоқларни тозалайди, миядаги токсик моддаларни қулоққа ёки қулоқ орқасига туширади.

Бир ҳафта ўтиб: 2 ош қошиқ майдаланган газанда уруғи + 1 ош қошиқ майдаланган шамбала (бўй ўти) уруғи + 3 ош қошиқ янги сикилган ва сузилган аччиқ қовун суви ёки

5 ош қошиқ аччиқ қовун барги суви + 200 гр. асал яхшилаб аралаштирилади ва кунда 3 марта 1 чой қошиқ ичилади. Балғамни туширади, ўпка, буйрак ва жигарни тозалайди.

Эпилепсияни даволашда ишлатиладиган ҳайвон дорилари:

Тошбақа сафроси бурунга тортилади; Ёввойи қуён гўшти ейилади; қуритилган ёввойи қуён меъдаси сирка билан ичилади; қуён сафроси бурунга тортилади (хусусан қон гуруҳи "В" ва "АВ" бўлганлар учун);

Каклик сафроси бурунга тортилади, қуритилган ва янги майдаланган каклик жигари ҳар кун бир чой қошиқ сув билан ичилади;

Эшак жигари ковурилиб ейилади (қон гуруҳи "О" ва "В" бўлганлар) ёки туёқлари ёқилиб қули эрта-кеч 1/2 чой қошиқ ютилади (қон гуруҳи "А" ва "АВ" бўлганлар);

Қуритилган туя мияси эзилиб эрта-кеч 1 чой қошиқ сув билан ичилади;

Табийи пишлоқ мөysi (бузоқ, кўзичоқ, қўй, туя болалари ошқозонларининг ич тўқима қисми) қуритилади ва ҳар кун янги майдаланган 1 чой қошиқ сув билан ичилади.

Хулоса:

Мия ўзини бош терисининг кичиши, яра, аксириш, кўз ёши, бурун ва қулоқ оқиши, қулоқ орқаси яралари воситасида тозалайди.

Бу сабабдан, аксириш ва бурун оқшини кўпайтирадиган дориларни томоққа ва бодомсимон безларга суриш, тароқ ишлагиш керак ва тароқнинг тахта, суюқ каби табиий моддадан бўлишига диққат қилиш лозим.

Эпилепсия курсида бош терисига сурилган дорилар билан бирга бош мизожини тузалади. Ошқозон, жигар ва буйракларнинг яхши ишлаши таъминланиб, бузилишига сабаб бўлиши мумкин бўлган токсик модда ишлаб чиқарилишига тўсик бўлади.

Ҳожамот (қон олдириш), зулуқ ва банка қўйиш билан токсик модда ва тиккинлар ташқари чиқади. Зийнат сифатидаги ой тоши (ҳажар ал-қамар, селенит) тақиш, илик сув билан ювиниш, илик сув ичиш, янги ёки табиий қуритилган анжир ейиш, ёввойи жамбул чойи ичиш, қўп юриш, оёқларнинг массаж олиши, аргимчоқда учиш, аксириш ва бош қашиш, ҳожамот билан қон олдириш, зулуқ қўйиш, бош терисига зайтунёғи суриш ва сочларни тез-тез тараш эпилепсия хуружлари (приступлари)ни камайтиради.

Иссиқ сув ичиш ва иссиқ сув билан ювиниш, қуёшга ва кучли лампага қараш, қаттиқ шамолда қолиб кетиш, тез юрган очиқ автомобилда бўлиш, қуёш чиқаётган ёки ботаётган ухлаш, уйқудан аввал ейиш-ичиш, таомдан кейин мева ейиш, аралаш ейиш, кам чайнаш, ич қотиши, кимёвий дорилар ва кимёвий моддалар ишлагиш эпилепсия хуружларини кўпайтиради.

ОЙДИН СОЛИХ

«Ҳақиқий тиббиёт» китобидан
(Давоми келгуси сонда)



«Эркин Юрт» интернет-газетаси
www.uzxalqharakati.com/erkinyurt
Мустақил манбааларнинг
маълумотларидан фойдаланилди.
Масъул муҳаррир
Қамолитдин Йўлдош